

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 4-noyabr • №45 (4132)

«ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ ҲАЁТИЙ АСОСЛАРИ

Президент Ислам Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида нашр этилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш осонасида» китобида халқимизнинг асрий орзуси бўлган, бугунги кунда энг улуг, энг азиз қадриятга, барча эзгу мақсад ва ҳаракатларимиз, бунёдкорлик ишларимизнинг ҳаётбахш манбаига айланган истиқлолга эришиш йўлида олиб борилган мураккаб ва машаққатли курашлар тарихи ҳаққоний факт ва далиллар асосида теран ва таъсирчан ёритиб берилди.



тараққиёт йўлимизда эришган натижаларимизни ҳолисона баҳолашга, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини янада теранроқ тушунишимизга ёрдам беради.

Муносабат

Бугунги эркин ва озод, тинч ва осуда ҳаётимиз қадрини, мустақиллик берган имкониятларни чуқур англашда, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини тарбиялашда ушбу асарнинг ўрни ва аҳамияти беқасб. Ававалбор, бу китоб халқимизни, айниқса, ёшларимизни Ўзбекистоннинг янги тарихини чуқур англаб, юртимизнинг қадимий шuhrати, бугунги қудрати ва салоҳияти, жаҳон майдонидagi оғури-этиборига ҳар томонлама муносиб бўлиб яшашга ўргатиши билан улкан аҳамиятга эгадир.

Шу маънода, файласуф олим Абдураҳим Эрхановнинг «Мана-вият» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон йўли» рисоласи — Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегияси, ривожланишнинг ўзбек моделини, бинобарин, изчиллик ва қатъият билан амалга оширилаётган

Китоб Президентимизнинг: «Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покла-ниш, мафкуравийлик иллати от-казган зиён-заҳматларни бар-тараф этишнинг қийин, узок да-вом этадиган йўлидир. Бу — жаҳон цивилизациясига қўши-лиш, чинакам сиёсий-иқтисодий истиқлолга эришиш йўлидир» деган сўзлари билан бошлан-ган. Рисола муаллифи айнан шу мавзуда атрофлича фикр юри-

тиб, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида босиб ўтган мурак-каб ва аини пайтда шарафли тараққиёт йўли, эришган нати-жаларини Юртбошимизнинг асарлари асосида тизимли ра-вишда таҳлил этади ва шу бо-рада илмий-амалий хулосалар чиқаради.

Албатта, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли, ана шу йўлни ҳар томонлама асослаб, изчил амалга ошириш, тарихнинг ўта оғир ва мураккаб синовла-рига муносиб жавоб топа олиш-да Президент Ислам Каримов-нинг хизматлари қанчалик беқи-ёс бўлгани хусусида юртимиз-да ҳам, хорижда ҳам кўп ёзилган. Рисола аввалида қайд этилгани-дек, ҳар бир соҳа ва тармоқда-ги қанчадан-қанча тўсиқ ва му-аммоларни енгиб ўтишга, кенг кўламли ислохотлар жараёнини тинимсиз таҳлил этиб, янги-янги фикр ва ғоялар билан бойитиб боришга тўғри келгани табиий. Муаллиф рисолада ёзиш жараё-нида Президентимиз асарлари-ни мутолаа қилар экан, бунга яна бир бор тўла ишонч ҳосил қил-ганини қуйидагича ифодалади: «Истиқлолимизнинг ўзига хос соловмас, миллий тараққиёт-имизнинг асосий назарий манба-си бўлган бу китобларни варақ-лар эканмиз, Юртбошимиз Ўзбе-кистоннинг тараққиёт йўлини ав-вал-бошдан ҳам қўлдан тутири-ва пухта белгилаб берганини так-рор-такрор эътироф этамиз».

Давоми иккинчи саҳифада.



Кўплар сеҳри борадир сенаа, санъатим.

ЭДИН ДЕГИН, ЭД КЎТАРСИН ШОНИНГНИ

«— Ҳў, чоҳнинг бошидан қараган, Фариннинг ҳолини сураган. Етти йилдан бермаган, Боланд хабар олмаган.

Бойбўри отаммисан, Кунтуғмиш энамми-сан. Қалдирғоч синглиммисан, Ойбарчин ёриммисан, Бойчибор тулпориммисан, ўрим-мисан-қириммисан, Шохмардон пиримми-сан, Баланду пастиммисан ё Қоражон дўстиммисан?

Дўсти Алпомишдан бу сўзни эшитиб, кўнгли бузилиб, кўздан ёши тизилиб Қо-ражон алп шундай деб турган экан:

— Айтдинг-а, айтдинг-а, хўп айтдинг, Юракда борини кўп айтдинг. Шундайлар дўстлар ҳам бўлма-я. Отангдан мени-я сўнг айтдинг. Айтдинг-а, айтдинг-а, хўп айтдинг, Барини тоқ эмас жуфт айтдинг. Шундайлар дўстлар ҳам бўлма-я. Энангдан мени-я сўнг айтдинг...»

Ўтов тўридан тўлғониб келаётган Абдуна-зар бахши Поён ўғлининг ноланов овози ба-айни зиндон тубидаги Алпнинг садосидай эшилиб, кенгиш Қизирқашларга ўрлаб кетади. Тингловчиларнинг ҳар бири ўз-ўзича «ох», деб юборади. Бир ўтов тингловчининг хайрату оҳидан гўё олти керегалли ўтов ҳам

бир чайқалиб кўйгандай бўлади. «Алпомиш» достонининг аини шу жойида дўсти Қо-ражон Алпомишдан ўпқаланиб, ҳаттоки, отинг-дан ҳам кейин ниятида зиндонга арқон таш-лайди. Аммо Алпомиш «Бирор кун шу яхши-лигини юзимга солмасин, сени мен кўткар-маганимда қалмоқшоҳнинг чоҳида ўлиб ке-тардинг» демасин, дея ўлимни номус ўли-

Ватан учун яшадиқ!

мидан афзал билади ва оёғини зиндон де-ворига тираб арқонни атай узиб юборади. Арқон узилиб кетган лаҳзада тингловчига қўшилиб бахшининг ўзи ҳам тўлғониб кета-ди.

Арқон узилди, аммо Алпомиш чоҳдан чиқ-ди. Достон эса бардавомдир. Бу достон халқ даҳосининг асрлар мобайнида қоядаги мўмийдай силкиб, йиғилиб, ёмбир дурдона-га айланган буюк асари. Достоннинг энг олий хусусияти, ўқ илдиз мавзуси номус, орият каби фазилатлардир. Бу достон — ўзбек халқ достони. Ўзбек халқининг юксак фазилати эса аввало ориятдир, номусдир, шайндир.

1999 йилнинг иккинчи ноябрида «Алпо-миш» достонининг 1000 йиллиги Термиз шаҳрида халқаро миқёсда нишонланди. Бу

буюк қаҳрамонлик достони ўзбек халқининг улуг маънавий мероси эканлигини дунё маърифатпарвар оммаси эътироф этди. Ушбу асар оғзаки бадий ижоднинг ниҳоя-тада баланд пардаларда кўйланган ўлмас қўшиғидир. Бу қўшиқда элнинг қувончу ар-мони, ору иймони, шарафу гурури, қўйинг-ки, халқнинг ўзлиги яшаб келмоқда. Юқори-да айtilган ўша санадан бошлаб эса, шоир айтганидек, чин маънода «Алпомиш юртга қайтди».

Айни шу йили Тошкент шаҳрида Ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди, халқаро кураш федерацияси ташкил этилди. Ўзбек кураши халқаро спорт тури сифатида жаҳонда ўз ўрнига эга бўлди. «Халол», «ёнбош», «чала» сингари Ўзбекча иборалар дунёнинг барча майдон-ларида янграй бошлади. «Е, отамнинг пири!», «Дўстимнинг орига мен курашаман», «Полвоннинг зўри биринчи ўзини йиқита-ди» сингари эътиқодга менгзагулик тушун-чалар халқимиз руҳиятига достонлар охан-ги билан сингиб кетган. Қадриятимиз қадр қўлтуғ бўлган бу тушунчаларнинг моҳияти эндиликда бутун кўлами, муқаддаслиги бил-лан юз очаетир.

Давоми олтинчи саҳифада.

ҚИЗИЛҚУМ САНЪАТ ГУНЧАЛАРИ

Санъат ҳамиша инсонни эзгулик сари бошлай-ди. Айниқса, мусиқа йўналиши бўйича истеъдо-дли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидо-рини рўёбга чиқаришда бу борада ўтказилаётган турли кўрик-танловлар ва фестиваллар муҳим аҳамият касб этапти.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб Навоий шаҳрида-ги «Фарҳод» маданият саройида бўлиб ўтган «Қизилқум санъат гунча-лари» анъанавий болалар фестивали ҳам ёш истеъдодларни кашф этишда муҳим босқич бўлди. Мусиқа садолари, хонандалар хониши ҳамда эртак қаҳрамонларнинг қизиқарли саргузаштлари билан бошланган тадбир турли миллат ёшлари ўртасида ўзаро дўстлик ришталарини бoғлаш ва санъатнинг кўнгина йўналишлари бўйича тахри-ба алмаштириш имконини берди. Беш кун давом этган ушбу санъат анжуманида қўшиқчилик, рақс, оркестр жамоаларининг концерти асосида тай-ёрланган дастурлар томошабинларга ҳавола этилди.

Томошабинларга гоятда манзур бўлган бу тад-бир Зарафшон, Учқудук, Нуробод, Навоий, Зафа-робод шаҳарлари ҳамда «Зармитан» ва бошқа кон-чилар кўрғонидан келган иштирокчилар орасидан энг истеъдодлиларини аниқлаш, уларнинг санъ-атга меҳрини янада кучайтириш мақсадида таш-кил этилди. Санъатта ошно қалбларнинг ўз иқти-дорини намоён этишига имкон яратган танловда Ўзбекистон халқ артистлари Қодир Мўминов, Шермат Ёрматов, рақс санъати устаси Шўҳрат

Тўхтасинов, дирижёр Ҳикмат Ражабов, шоир Бо-бур Бобомурод ҳамда маданият саройининг ди-ректору Николай Сисоевдан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати санъатсевар ёшларнинг иж-рочилик маҳоратини ҳолисона баҳолади.

— Болалардаги жўшқин овоз, улар ижросидаги жозибали рақсларни кўриб ҳай-ратландик, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, «Булбулча» болалар хор жамоаси раҳбари Шермат Ёрматов. — Ай-ниқса, жонли ижролар, чоғулар-да чалинган нафис куйлар, йигит-қизларнинг саҳнада тўлдириб рақс ихро этишлари менга жуда ёқди. Тўққи-зинчи марта ўтказилаётган мазкур фестивалда янги қўшиқ ва куйлар, рақсларни ўрганаётган истеъдодли ёшларни кашф этдик.

Фестивал якунига кўра оркестр, чоғу ансамб-ли ва созандалик йўналиши бўйича «Нихол» мил-лий чоғу ансамбли, эстрада рақси номинацияси бўйича «Соната» жамоаси, яқшахон ижрочилик йўна-лиши бўйича хонанда Бахтиёр Ҳамроев совриндорлар саҳида бўлди. Зарафшон шаҳри-даги «Олтин водий» маданият саройининг «Афсо-на» ансамбли халқаро рақс номинацияси бўйича Гран-прига муносиб кўрилди. Шунингдек, турли йўналишлар бўйича Учқудук, Зарафшон, Навоий, Зафаробод ва Нуробод шаҳарлари ижодий жамо-алари биринчи, иккинчи ҳамда учинчи даражали дипломлар билан тақдирланди.

Навоий вилояти

Маърифат ШАРИПОВА



БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси Шерият кенгаши шу йилнинг 9 ноябр, чоршанба кун соат 11.00да таниқли шоир Саъдулла ҲАКИМнинг «Кўҳна нақл» китоби тақдироти доирасида ижодий учрашув ўтказида. Учрашувга шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, шеърят мухлислари ва барча қизиққанлар тақлиф этилади.

Мавзю: «Ўзбекистон» кўчаси, 16-А уй, 6-қavat.

ВАТАНГА САДОҚАТ ТҮЙҒУСИ

оҳанг ва маҳорат борлиги Ёзув-чилар уюшмасида бўлиб ўтган ижодий учрашувда эътироф этил-ди. Учрашувда уюшма наср кен-гаш фаоллари, таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар оли-млар иштирок этиб, бугунги кунда миллий адабиётимиз олдида қўй-лаётган талаблар, адабий жара-ёнда рўй бераётган янгиликлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Ёзувчи Баҳодир Қобулнинг асарларида тоғ ҳавосидек беғу-борлик бор, — деди адабий анжу-манни бошқарган Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов. — Уларда эрка ва дилбар туйғулар мужассам. Буларнинг барчасини ҳолис ва олижаноб мақсад билрлаштириб туради. Хал-қимизнинг жайдари, жонли тили-ни жуда соғинган эдик. Адибнинг қис-са ва ҳикояларида бадий ифо-даннинг ана шундай қирраларини учратиб, беҳад мамун бўлдим. У қадим ва муштипар, танги ва ҳалол элимизга хос меҳру садоқатни, бе-назир табиатимизни мусаввир каби чиқишга ҳаракат қилган. Дарҳақиқат, адибнинг мазкур китобида киритилган «Эна шамол», «Ўспиринлик», «Оқдала» каби қис-

салари, «Ота чирок», «Оқ камар», «Сунбула» сингари ҳикояларини муҳим бир ғоя — жонажон вата-нга, элга бўлган муҳаббат туйғуси мазмунан бирлаштириб туради. Уларда юрт қадри, ижодкорнинг ўзи мансуб бўлган элга нисбатан меҳри, садоқати ўзига хос тарз-

Ёзувчилар уюшмасида

да намоён бўлади.

Айни пайтда юртимиз ижод-корлари сафи янгидан-янги истеъ-додлар билан бойимокда. Хар йили ўнлаб романлар, кўплаб қис-салар, ҳикоялар, шеър ва достон-лар нашр этилмоқда. Бироқ улар-нинг ҳаммасидан ҳам ўқувчилар қониқши ҳосил қилаёпти, деб ай-толмаймиз. Бир-бирига ўхшаш асарлар кўпайиб турган бир пай-тда ўзига хос услубни топиш, адабий жамоатчилик ва китобхон-лар эътиборини қозониш ижод-кордан тинимсиз изланиш ва ма-ҳоратни талаб этади. Айниқса, халқимизнинг азалий ва ўлмас қадриятлари, тил бойликлари-ни юксак савиядаги бадий асарлар орқали намойиш этиш ёзувчи ва шоирларимизнинг бурчидир.

Зеро, мустақиллик ижод аҳлига сўз эркинлигини инъом этди. Ижодга муносабат ўзгарди. Ана шу имкониятлардан фойдаланиб, ижодкорларимиз миллий адабиёт-тиниз қаддини янада баландроқ кўтардиган пишқ-пухта асарлар яратиш устида кўпроқ изланишля-ри зарур.

Юртбошимиз Ислам Каримов «Адабиётга эътибор — маънавиятга, ке-лажакка эътибор» рисоласида: «Ёзув-чиликнинг мактаби ҳам, дорилфу-нуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир ўл хаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи бил-лан ҳамдаруд ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир», дея таъкидлаган эди. Бу — ижодкор зиммасидаги масъулиятли вазифа, ҳаёт талаби. Шу боисдан бугунги кунда юзага ке-лаётган ҳар бир асарга ана шу ҳаётий мезонлар асосида назар ташланиши керак. Ўқувчи диди, савияси ҳамда тафаккурини ўстиришда ҳам бадий асарларнинг аҳамияти муҳим.

Тадбирда шу каби долзарб ма-салалар, адиблик бурчи ва масъ-улияти юзасидан мулоҳазалар ўртага ташланди. Ўзбекистон халқ шоирлари Махмуд Тоир, Сиро-жиддин Саййид, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али, ёзувчи Улугбек Ҳамдам, адабиётшунослар Бахтиёр Назаров, Абдулла Улугов ва бошқалар бугунги ада-бий жараёнда рўй бераётган ян-гиликлар, ютуқ ва муаммоларга алоҳида тўхтадиллар.

Ўз мухбиримиз.

Бошланчи биринчи саҳифада.

Рисоланинг биринчи боби — «Ўтиш даври: изланишлар ва ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли назариясига асос солиниши» деб номланган. Унда Президентимиз мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб туб ислохотлар ўтказиш, мамлакатни ривожлантиришнинг янги концепцияси ва модели ҳақидаги гояларни, асосий тамойилларни олға сургани ҳақида фикр юритилади. Мамлакатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, «Бутун ислох қилиш жараёнининг бошланғич нуктаси стратегияни танлаб олишдан иборатдир. Бу — гоят масъулиятли ва мураккаб жиҳат. Умумий стратегияга эга бўлмай, пировард мақсадни кўрмай туриб, иқтисодий ислох қилишнинг таъсирчан чора-тадбирларини белгилаб бўлмайди».

Бозор иқтисодиётига ўтиш зарурати ва ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлининг асослиниши мавзусига тўхтаб қарай, муаллиф Ислам Каримовнинг новаторлиги, биринчидан, ислохотларнинг мақсадини, муҳим асосий устувор йўналишларини, иккинчидан, ўзбекистонимиз мустақил тараққиётнинг методологиясини, ўзбек моделининг беш тамойилини, учинчидан, ислохотларни амалга оширишнинг комплекс назариясини ҳамда ҳар бир соҳа ислохоти учун хусусий концепцияларни, устувор йўналишлар, тамойиллар, мезонлар ва ижтимоий мўлжалларни ишлаб чиқишда намойён бўлганини таъкидлайди.

Китобда ўзбекистонда режалаштирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг тизимли концепцияси қандай шакллана бошлагани Президентимизнинг назарий-маърифий жиҳатдан асосланган, ҳаётий мисоллар ва жамиятдаги мавжуд аҳвол

таҳлили билан далилланган асарлари негизда атрофчила таҳлил этилади. Муаллиф таъкидлаганидек, режалаштирилган бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси аслида ўзбекистон шароитида бир ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизимдан иккинчисига ўтиш, жамиятнинг тубдан янгилаш назариясининг таркибий қисmidир.

Бу назария эса нафақат иқтисодий ислохотлар концепциясидан, айна пайтда давлат ва жамият қурилиши, кадрлар сиёсати, маънавий ва маданиятни ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш концепцияларидан ҳам иборатдир. «Ўз навбатида, — деб қайд этади муаллиф, — ҳар бир соҳа концепцияси ўзининг тамойилларига, устувор йўналишларига эга. Барча йўналишлар учун умумий аҳамиятга эга бўлган бошқа мустақил концепциялар ҳам мазкур назарияга кирди. Масалан, миллий гоя ва мафкура, маънавий концепциялари шулар жумласидандир».

Шу тарқим мазкур бобда Ислам Каримов давлат ва жамият қурилиши, демократик ислохотлар концепциясини яратгани ва бу концепция, ислохотлар назариясига кирувчи бошқа концепциялар қаторида, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ва жаҳон таърибасини танқидий ўрганиш, таҳлил қилиш жараёнида илмий жиҳатдан чуқурлаштирилиб, такомиллаштирилиб ва кенгайтирилиб борилгани тўғрисида кенг мушоҳада юритилади.

«Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларнинг асосий концепциялари ва йўналишлари» деб аталган иккинчи бобда Ислам Каримовнинг юқорида қайд этилган йўналиш ва соҳалардаги ислохотларга оид концепцияларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Хусусан, давлат ва жамият қурилиши, демократик ислохотлар концепция-

сининг асосий мазмуни ҳақида сўз борар экан, муаллиф ислохотлар биринчи бошланган соҳа — давлат ва жамият қурилиши соҳаси эканига эътиборни қаратиб, бу фикрни Президентимизнинг биринчи галда «ҳамма-ҳамма поғоналарда собиқ Иттифоққа бўйсунмаган ва Марказ чизигидан чиқмайдиган» давлат тузилмаларини «тубдан ўзгартириб, мустақиллик заминидан қайтадан тузишга тўғри келди», деган сўзлари

ришидир. Ушбу мақсад «ислохотлар ислохот учун эмас, инсон ўлур» тамойилида ўз ифодасини топади».

Иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари ва устувор жиҳатлар ҳам изчил таҳлил этилади: Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва ҳақиқий эгасига топшириш; қишлоқ хўжалигида ислохотлар ўтказиш, хусусан, фермерлик ҳаракатини кенг қўламда ривожлантириш; иқти-

корлик ва бунёдкорлик фаоллигини ошириш. Комил инсон ва баркамол авлодни тарбиялаш, инсонни барча ислохотларнинг бош мақсадига айлантириш. Муаллиф асосли хулосага келганидек, ижтимоий ва маънавий ислохотлар концепцияси Ислам Каримовнинг ўзбекистонда туб ислохотларни амалга ошириш назариясининг муҳим таркибий қисmini ташкил этади. У ҳам ушбу назарияни, ҳам қатор ижтимоий-гуманитар фанларни ян-

эканидан далолатдир». Табиийки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Эришган натижаларимиз қанча яхши бўлмасин, улар билан қаноатланиб, чегараланиб қолмаслигимиз, камраб олинмаган ва бунинг имкони ҳам йўқ. Хусусан, ҳар қандай муносабатлар

ҳақида гапирганда, биринчи навбатда унинг инсонпарварлик моҳиятини таъкидлаш лозим.

Албатта, Президентимиз ислохотлар назариясининг барча йўналишлари рисолада тўлиқ қамраб олинмаган ва бунинг имкони ҳам йўқ. Хусусан, ҳар қандай муносабатлар ва ташқи сиёсат, ҳарбий ислохотлар, экология каби муҳим йўналишларнинг ҳар бири бўйича эришилган ютуқ ва марраларда Президент Ислам Каримовнинг хизматларини алоҳида ёритиш зарур бўлади. Муаллифнинг ўзи ҳам қайд этганидек, «ушбу рисолада ўрганилмаган масалалар кўп. Улар ўз тадқиқотчиларини қўлиб турибди».

Муҳтасар айтганда, А.Эржаевнинг «Ўзбекистон йўли» рисоласи Президентимизнинг ўзбекистонда туб ислохотларни амалга ошириш, янги жамият қуриш, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш назариясини тизимли таҳлил этиш, унинг асосий тамойиллари ва устувор йўналишлари диалектик жиҳатдан гоят муштарак хусусият касб этишини кўрсатиш йўлидаги илк уришлардан биридир. Бунда муаллиф Юрбощимизнинг тарихий ислохотлар концепцияси ўрин олган фундаментал асарларига таяниб иш олиб боргани, ислохотлар жараёнини аниқ ҳаётий мисоллар асосида ёритгани рисолада кўтарилган гоят муҳим мавзуларнинг тизимли, изчил ва қизиқarli очиб берилишини таъминлаган.

Шу маънода, бу рисола ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлганини эътибор этиб, унинг муаллифини ва мамлакатимизнинг янги тарихи билан қизиқарган барча китобхонларни истисқолсимизнинг яна бир ўзига ҳок солномаси билан қўтаймиз.

Акмал САИДОВ, профессор

«ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ ҲАЁТИЙ АСОСЛАРИ

билан далиллайди.

Ўзбекистон Президентининг ислохотлар стратегиясида кадрлар масаласига қаратилган улкан эътибори ҳақида фикр юритиб, муаллиф «Барча соҳадаги кадрлар, биринчи навбатда, ўзбекистоннинг мустақил тараққиётда, янги жамият қуришда таянмайдиган икки тамойил таллабларини, биринчиси — миллий кадрларнинг тарихий анъаналар, халқ руҳиятини, шарт-шароитни яхши англаши, иккинчиси — умумбашарий кадрларни, илгор таърибаларни билиши лозим эди», деб ёзади.

Маълумки, Ислам Каримовнинг ислохотлар назариясида иқтисодий ислохотлар концепцияси марказий ўринни эгаллайди. Рисолада бу концепциянинг мазмун ва мундарижасини чуқур тасаввур қилиш учун, даставвал, иқтисодий ислохотларнинг мақсади тўғрисида тушунча берилди. Унда қайд этилганидек: «Иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади — инсон, унинг муносиб ҳаёт кечи-

содиётда таркибий ўзгаришлар қилиш; бозор инфратузилмасини яратиш; молия-кредит ва солиқ-бюджет тизимини иқтисодий ислохотлар талабларига мослаштириб бориш; иқтисодиётга хориз сармояларини кенг жалб этиш; замон, ҳаёт талабларини, ички ва жаҳон бозорида аҳоли ва конъюнктура тизимига олиб иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш; аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий билимлари ва тафаккурини ўстириш; замонвий иқтисодий билимларга эга менежерлар, маркетолог, аудитор, солиқчи ва молиячиларни тарбиялаш каби кенг қамровли масалалар шулар жумласидан».

Рисолада навбатдаги, яъни ижтимоий ва маънавий ислохотлар концепциясининг мақсади куйидагича таърифланган: «Ижтимоий адолатни, инсон ўз имкониятларини юзага чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратиш орқали унинг эркин ривожланишини таъминлаш, ижод-

гича гоялар, қараш ва тамойиллар, методологик ёндашувлар, амалий таҳлилий материаллар билан бойитди».

Китобнинг учинчи боби «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмун-моҳияти таҳлили ва талқинига бағишланган. Бу бобда даставвал Ислам Каримов назарияси ва унинг асосида яратилган ўзбек моделининг илмий ҳамда амалий жиҳатдан пухта асосга эга экани ва яшовчанлиги, аиникса, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози қаттиқ ҳаётий синовдан ўтказгани эътибор этилган. Таъкидлаганидек, «бугунги кунда гарб мамлакатларидаги иқтисодий назариялар, улар асосидаги моделлар инкирози синовларига ўзбек модели каби (Хитой ва баъзи бир Шарқ мамлакатларининг иқтисодий тизимларидан ташқари) барҳод бера олмади. Бу Ислам Каримов назариясининг илмий ва ҳаётий асоси нақадар мустаҳкам

эканидан далолатдир». Табиийки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Эришган натижаларимиз қанча яхши бўлмасин, улар билан қаноатланиб, чегараланиб қолмаслигимиз, камраб олинмаган ва бунинг имкони ҳам йўқ. Хусусан, ҳар қандай муносабатлар ва ташқи сиёсат, ҳарбий ислохотлар, экология каби муҳим йўналишларнинг ҳар бири бўйича эришилган ютуқ ва марраларда Президент Ислам Каримовнинг хизматларини алоҳида ёритиш зарур бўлади. Муаллифнинг ўзи ҳам қайд этганидек, «ушбу рисолада ўрганилмаган масалалар кўп. Улар ўз тадқиқотчиларини қўлиб турибди».

Муҳтасар айтганда, А.Эржаевнинг «Ўзбекистон йўли» рисоласи Президентимизнинг ўзбекистонда туб ислохотларни амалга ошириш, янги жамият қуриш, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш назариясини тизимли таҳлил этиш, унинг асосий тамойиллари ва устувор йўналишлари диалектик жиҳатдан гоят муштарак хусусият касб этишини кўрсатиш йўлидаги илк уришлардан биридир. Бунда муаллиф Юрбощимизнинг тарихий ислохотлар концепцияси ўрин олган фундаментал асарларига таяниб иш олиб боргани, ислохотлар жараёнини аниқ ҳаётий мисоллар асосида ёритгани рисолада кўтарилган гоят муҳим мавзуларнинг тизимли, изчил ва қизиқarli очиб берилишини таъминлаган.

Журналларни varaқлаганда

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ»

2011 йил, сентябр ойи сон

«Хуррият, муқаддас байроғим ўзинг!» Ана шундай сарлавҳа билан журналнинг илк саҳифаларида «Истиқлол илҳомлари» руқияда ўзбекистон Ҳақрамонлари, халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо, Маҳмуд Тоир ва таниқли шоир Мирфўллад Мирзозода Ватанин маҳбуб эгана, Истиқлолни шарафлаган шеърлари берилган.



«Жаҳон адабиёти»нинг ҳар бир сониди Фароб Шарқ бадиий тафаккурининг дурдоналаридан баҳраманд бўлиб келадиган мушаррафлар ушбу сонда XX аср япун адабиёти классиги Рюносэ Акутагаванинг инсонпарварлик гоялари билан сугорилган ҳикояларини ўқийди. Ҳар икки ҳикояни рус тилидан Ойдиниско таржима қилган. Жаҳон адабиётининг яна бир мумтоз вақили Кнут Хамсуннинг «Очлик» романи (Қодир Мир-Хаммадов таржимасида) давом ҳам журналнинг ушбу сониди босилган. Гуржистонлик ёзувчи Важа Пшавеланинг «Дарижон» ва озар адаби Собир Рустамовнинг «Шаҳзодининг ёлғори» ҳикояларини Файзи Шоҳисомил таржимасида ўқийсиз.

Бу гапни «Шеъринг минтақлари»га ажратилган саҳифалардан тунга замон ва турфа халқлар поэзиясининг атоқли намоёнларининг ижод намуналари жой олган. Таъкидлаш жоизки, устоз адиблар таржима асарларининг қайта-қайта босилиши, айниқса, ёш ижодкорлар учун сабоқ. Қолаверса, бундай таржималар ҳеч қачон ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, улар қибини соҳир туйғулар билан бойити. Журналнинг ушбу сониди берилган атоқли шоир Миртемирнинг Н.Бараташвили, Абай, Р.Ғафор, Самат Вурғун шеърлари таржималари ана шундай қадр-қиммати билан эътиборни тортиди. «Осмон мисли тулғини қосани» сарлавҳаси остида берилган французлик Ёлғоз Сандра, англиклик Уильям Блейк, чилилик Пабло Неруда сингари дунёга маълум ва машҳур фарбиқ шоирларнинг Иқром Отамурод таржималаридаги шеърлари ҳам жаҳон шеърини муқаддасида катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Ҳиндий тилидан Амир Файзулла таржима қилган ҳинд алломаси Сай Баганинг «Дарма ваҳини ёхуд Иймон сарнамаси» номли асариди муаллифининг башиарий талдиридан хавотирлари, иймон этигидан тутиш — юксак эътиқодга интилишининг нечоғли зарурлиги таъкидланади.

Акмал Саидовнинг «Ф.Кафка асарларида «суд жараёни» мавзуси», Евгений Рейнинг «Бу ўша Лернер» (М.Мирзо таржимаси) мақолаларида адабий ҳаётдаги воқеалар, машҳур асарлар моҳиятидан баҳс этувчи фикр-мулоҳазалар билан танишасиз.

Тадқиқотчи Алишер Отабековнинг «Ҳаёт яшаб ўтиш учун берилган» мақоласида буюк инглиз адаби Сомерсет Моэмнинг ҳаёт йўли ва ижодига доир кузатишлар таъкид этилган бўлса, Ҳамидулла Болтабеовнинг таъкидида «Шарқ» нарийидада чоп этилган Абдуаллиқов ибн Хошим ал-Мақоррийнинг «Ас-сийра ан-набийийа» асари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Шунингдек, ушбу сонда Қодиржон Носировнинг «Турналар»нинг икки таржимаси» мақоласи, Чейнинг «Кузун — сабрил куш» романи давоми берилган.

Файбар дегич момониз бўлар эди. Холамнинг қайнониси, яъниким почмазининг онаси. Асли исми Хонсулув эканини вафотидан кейин билдим. Узиям тўқсондан ошувди. Файбар — момонинг полвонлиги, эр кишиларга ҳам бел бермаганга ишора экан.

Ёшлиғида қолхознинг ўроғида бўғдой ўриб юрганида қишлоқнинг манаман деган зўр йигитини ҳаволатиб ерга пўстақ қилиб ўрган экан. Шу-шу файбар — одоқсизлик қилса раис жанобларига ҳам хезланиб қоларкан.

Файбар момондан уч тирпоқ қолди. Бир ўтиб, икки қиз. Қизлар бутун ўзлик момой, ўғли — чоқ. Момоси тушунинг ажаб оқдлари бор эди. Масалан, невараларни азонлаб қўриқиб уйғотарди. Ҳар бирига юмушлар буюриб ҳар ёққа тарқатиб юборар, ўчоқда чой қайнагунча, қозонда сўт пишгунча улар бир дунё ишни битириб келар эдилар. Эрталабдан ишлаган болалар бир қоса сўти шاپпа ичиб, кейин мактабга йўл олардилар. Мабодо қосала овқат сарқиб бўлса, ўзи нон бурдасини иккига ёриб суртиб қосани тозалаб уриб ташларди. Уволдан кўрқ, дерди. Чамамда момо тўқсоннинг ошувиди ҳам полвон, иштаҳаси бинойидек эди.

Бу ҳам эмас, қишлоқ ўртасида куздан охири баҳоргача оқиб турувчи сойдан ўнг тараф уйларга ариқ қаздириб сув ўтказган, «оқсоқолик» қилиб турган, жами одамларнинг бошини қўшиб ишлатган ҳам шу кампир бўлади. Товуши ҳам ҳавонини йиртар даражада баланд эди. Ишдан бўйин товланганларни икки чақирим нариги қишлоқдан чақириб олганларини эшитганмиз.

У замонлар техника йўқ, одамлар ҳам камроқ — сукунат оромиди эканими, дейман-да. Биз бутун шу даражада шовқини ташвишга қўйилганмизки, ўн қадм наридаги боланимиз ҳам «сотка» да чақиримиз. Шунда у шўрлик эшитса, «эшитмай қолибман» деган бозор баҳоналар ҳам чиққан...

Жарлар устига катта қўвурлар ўтказиш учун тўрт сўм-беш сўмдан йилдириб торторчининг қўлига тутқазган, сўнг бошида туриб бедар кетаётган сой сувидан алоқдаги ҳовлилар қурилишига сув олиб борган, кўп томорқали бўлиб қолишга ҳам шуч кампир катталик қилган.

Вижлонли аёл эди! Қишлоқ удумини бузиб, ўзи тенги қайинларини ҳам сенсираб юборарлар эди. Лекин бундан натижа чиқар эди. Ўзи гавдаси катта бўлмасаям ҳайбати баланд эди. Файир эди — ялқовлик, ўзи буларчилик, фирромликнинг душмани эди. Туй-ҳашаму марьяка ҳам кампирнинг оғзига қарар эдилар. Яқин одамларнинг азасида ҳам бошқаларга ўқшаб рўмон, қасабалари ечилиб, соч юлиб йилганларини кўрмаганман. Дарда маҳкам эди! Қайтаган расм-маросимни тезроқ, жой-жойида, интизом билан ўтказиш пайиди бўлар эди.

Ахир соч юлиб йилганнинг бирор раҳмат дейдими? Ўлган одам қайтиб келадими? Албатта, бу кампир фалон-писмадон ишларни амалга ошириди, деб бир оз тўқиб-бичсам ёлгон бўларди. Гап шундаки, у кампирини, чолми, ёшми — одамларнинг виждонини уйғотиб турар эди. Айтилдики, биринга қарилдоғнинг ёки қўшнингни ёмонликдан қайтариб қолсанг, уни жаҳлат тузоғидан қутқариб қолишинг мумкин-ку!

Момо тўқсондан уч-тўрт довон ошиб жимгина нариги дунёга кетди. Балки шу кампирдан қутулди деганлар ҳам бордир. Эҳтилик... Лекин кўп йиллар момонинг ўринини тўлдириб келган бирор эркакни кўрмадим...

Элга бошчи керак экан!

Мисол, маҳитини бир оз кенгайтириш, ёндагги мақбарани мақбара дегулик қилиш учун маблаг керак. Элли уста, унга қўл ҳақи, яна шунга яраша материаллар керак. Буни қарангки, қишлоқда яшовчилар ҳам, шаҳарда яшаётганлар ҳам авлиё бобонинг савобидан баҳраманд бўлайлик, деди — пулини, ёрданини аямали. Бир палса қутидеккина шинам мақбара қад кўтарди. Қўбаси яттирарди. Самарқандлик усталар уни бежиримгина қилиб бўяшди. Улут эгалар, минораво мақбара, мақбаралар шаҳри — Самарқанднинг бир парчаси шу ерга қўшиб келгандай бўлди. Чин маънодаги зияратгоҳга айланди. Келин-куёвлар ҳам шу ерданги ўрушдан қайтмаганлар хотира-тахтасини, Нон бер ота мақбарасини зиярат қилиб, кейин тўй бошлашарди.

Бу авлиё зот ким бўлди? Келин, Нон бер ота ҳақида билганимни қисқача баён этай. Бундан 450 йиллар бурун яшаб ўтган. Туғилган ери биздан анча олис — Нурота йўлидаги

ЭЛ БОШИДАГИ ОДАМЛАР

Қоратов биқинидаги бир қишлоқ бўлган. Полвон йигит бўлган. Елкаси ер кўрмаган. Асли исми Жиянбек, полвон бўлиб танилган Жиянбек полвон деб ном қозонган. Бир кунги тулпада полвон Қоратов бошида чўкиб пешоб тўқибди. Қараса пешоб тоғни эгаллаб атрофга жоблаб оқибди. Қоратов баттар қорайибди. Туриб иниларига айтибдики, ёронларим, энди биз бир жойда гўж бўлмасдан жоблаб яшашимиз керак экан, қучиқар қишлоқларда бизнинг уруёшганимиз бор. Бўғажили қайдасан, деб уруғимни излайман, қўшилганинг мен билан юр!

Шу йитиб ўша вақтдан бизнинг қишлоқ ҳам эл бўлган, сонга қўшилган.

Атроф тўқайзор, сувли бўлган. Туқайзорлар очилиб, уйлар қурилган. Энди очин-тўқин йиллар экан шекилли-да, полвон бир кунги Худота ёлвориб: «Парвардигоро! Менга куш-қумурсқадан ортган ушоқни бер! Ризқим шундан бўлақолсин!» дейди. Ана шуйтиб полвон қолдич нон ушоғи, увоғи билан кун кечириб юради.

Айтдиларки, ҳар замон Самарқандга бориб жума намози ўқиб келаркан. Аерни Қўшрабатда, шомни ўзининг қишлоғига келиб ўқиркан. Бизнинг Қувқалда қишлоғи билан Самарқанд ораси 125 километр...

Энди чамалаб кўрсангиз, Самарқанддан бу жойгача қаноти бор қуш ҳам ҳориб-толиб келгани, балки у ҳам шом намозига бир оз кечикиб келиши мумкинлигини тасаввур қиласиз.

Авлиёнинг зоҳир қаромати шу-да! Вақти-кунлари ҳақатчилик обдон зўр келиб ушоқлар ҳам топилмай қолар экан. Ахир, ушоқ ҳам тўқларнинг нонидан тўқилади-ку. Авлиё отамиз булоқ этагидидаги балчиқча тушган ушоқларни булоққа ювиб, қушлар билан таллашиб еб туриб бирдан хўрлини келибди. Ўзининг хорлиғига ачиниб силқиниб-силқиниб йиллайверибди. Шунда хотиладан бир товуш эшитилди: — Эй, ўғлон, бу сиздан нон қароматини берди! Ўрингиздан туринг, элни тўйгангиз! Бобомиз қўнию тўнининг барлари тўла ноннинг салмоғидан зўра турибди. Ҳозирги қишлоқ ўртасидаги маҳит ёнига келиб қўйишдан иссиқ оиб нонлардан чиқарибди. Утган-кетганда улашибди. Оч қолди деганлар яна келибди — нон улашаверибди. Иссиқ, буғулиб турган тўйимли нонлар. Қизиги — бу нонлар ҳеч тугамас эмни! Полвон тахаллуси ўзгариб «Нон бер ота» бўлибди. Халқ биринга шу одамнинг бағидан чиққан нонга шу одам элга ҳар солиб қурадири.

ҳабибим деса, авлиёлигини зухур этса...

Бу иш бекарлага ёқмайди. Митан беғими ё Хатирчи беғи одам жўнатиб бу чинми, ёлгонлигини текшириб қўрибди. Қараса — чин. «Э бу қайдаги ялангоҳ қадим бўлдики, биз турганда бир ўзи халқни тўйғазса».

Лашкар жўнатиб уни тириклай ё бўлмас жасадини олиб келинган, қани мен бир кўрай, дебди. Бир кишига бутун бошли лашкар жўнатибди. Отамиз буни сезиб тоққа қарай қонган. Лашкар қувган. Лашкар отла, авлиё — пиёда. Чамалаб маҳитга эки қачирини бор, ўша жойга етганда аскарлар етиб олишаркан. Бир номард у билан олишиб баракка топмаслигини, қўл олишувиди лашкарни талотўп қилиб ташлашга кўзи етиб отамизнинг бўйиндан қилич солади. Бош ерга узилиб тушади. Энди уни қонга ўрайимиз деганда бош ўз-ўзидан қирга қараб думалаб чиқиб кетади, сўнг пастга думалайди, яна қирга. Навқар дегани от билан қувиб етолмайди. «Кув қалани, қув, қалла кетди!» деб бўкиради. Қалла эса ўзиб кетаверади. Қува-қува боғи нон тарқатган ергача келади. Энди ушлайман деганда ер қалла ҳажмида уйиқ ҳолга келади ва бош ўша ўйиқдан тубсизликка қараб тушиб кетади. Навқар ҳайрон: у ёқдан қарайди, бу ёқдан қарайди, чўққурга таёқ суяқ кўради, бўлмайди — таёқ узунлигидан чўқур. Чор-ночор лашкар орта, жасад қолган жойга от қўяди. Бека жасадни кўрсатиш илмида бўлади. Боринча у жойда келбати ажарҳўли келадиган катта қора илон ётганмиш. У бошини кўтариб қирқта боши билан қўрқ аскарни ямлаб ютиб юборибди.

Шундайин бобомиз бекиннг зулмидан шаҳид бўлган. Энди у бекини ким эслайди? Мен, масалан, суриштириб отини ҳам билмадим. Авлиё отамизни, Нон бер отани эса кунига юзлаб одам зиярат қилади.

Бутун чиройли бир мақбара яттираб қад кўтариб турибди. Бундан тўрт аср муқаддам «Кув, қалла! Қалла кетди, қув!» деган оқсаларнинг «хўрмати»га қишлоғимиз «Қувқалла» аталиб қолган. Аканг қарағай қувқалликиман! Ўн беш йил бурун Жиянбек бобомизнинг шажараси бормикан деб обдон уридим. Нуротага бордим, кексалардан суриштирдим. Ҳаракатим зое кетди. Оллоҳга суюмли банд бўлди, авлиёликка эришди, аммо бошқа қавмлошлар ҳам ўша зот қабри одам бўлганлардан бир жойга «отам бу, отамнинг отаси у» деб ёзиб қўйган экан. Хуллас, қишлоқ оқсоқоли Келидйоб Қўшмуродов маҳитни ҳам, мақбарани ҳам эпга келтирди. Ҳатто бобомизнинг тепа қишлоқда майити қолган (Азлар тепа деймиз — Азизлар бўлса керак) жойга ҳам мақбара ўрнаттирди. Маҳит олдидидаги намозхоналар ўтиб-қайтувчи, мудом баҳор сели ювиб, улуктириб ташлагувчи кўприкни ҳам шу одам мустаҳкам қилиб қурдири. Сўнг пастгаги сувтегирмон қошида сув қайрилиб-бурилиб оқадиган бурамадаги кўприкни ҳам шу одам элга ҳар солиб қурадири.



Тоғ қишлоғидаги янги қишлоқ

Оғзига қучи етмаганлар «Келидйоб халқдан пул йиғди, ўзи еди, қолганини маҳитга харжлади» деди, Бутун чиройли бир мақбара яттираб қад кўтариб турибди. Бундан тўрт аср муқаддам «Кув, қалла! Қалла кетди, қув!» деган оқсаларнинг «хўрмати»га қишлоғимиз «Қувқалла» аталиб қолган. Аканг қарағай қувқалликиман! Ўн беш йил бурун Жиянбек бобомизнинг шажараси бормикан деб обдон уридим. Нуротага бордим, кексалардан суриштирдим. Ҳаракатим зое кетди. Оллоҳга суюмли банд бўлди, авлиёликка эришди, аммо бошқа қавмлошлар ҳам ўша зот қабри одам бўлганлардан бир жойга «отам бу, отамнинг отаси у» деб ёзиб қўйган экан. Хуллас, қишлоқ оқсоқоли Келидйоб Қўшмуродов маҳитни ҳам, мақбарани ҳам эпга келтирди. Ҳатто бобомизнинг тепа қишлоқда майити қолган (Азлар теп

Ўзбек мумтоз шеърятда май мавзуси ва у билан алоқадор тимсол-тушунчалар Алишер Навоӣ газалиётдан ҳам кенг ўрин олган. Бу мавзу Навоӣ шеърларида, бир томондан, салафлари ижодиётида касб этган аънавий хусусиятларни, иккинчи томондан, шоирнинг фалсафий-ижтимоий қарашлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган янги қирралари орқали намойён бўлган.

Профессор А.Хайитметовнинг ёзишича, Навоӣ девонларидаги 2600 газалинг аксарияти ишқий мавзуда бўлса, шу мавзудаги юзларча газаллар соқийга мурожаат билан аяқланади. Адабиётшунос Н.Рамазонов «Хазойин ул-маоний»га киритилган газалларнинг 800 га яқинида май мавзуси қаламга олинганини, шундан 70 га яқин газал бошдан охири май мавзусида эканини қайд этган. Шунингдек, «Хазон ул-маоний»даги 500 га яқин байт бевосита соқийга мурожаат билан бошланган.

Эътиборли шундаки, Навоӣ газалларида соқийнома характеридоги байтлар, кўпинча, мақтадан олдин келтирилган. Ҳ.Исҳоқовнинг ёзишича, Навоӣнинг аксар газалларида мақтадан олдинги байт мазмун ва услуб жиҳатидан бутун газал таркибидоги бошқа байтлардан ажралиб туради. Бундай байт, олдинги байтлардаги тасвир усулида қатъий назар, иккинчи шахсга қаратилган ибратомузулисадан иборат бўлади. Шоир, кўпинча, ўз фикрини соқийга ёки бошқа бирор объектка мурожаат шаклида изҳор қилади.

Дарҳақиқат, шоир газалларида соқийга хитоб билан бошланган байтлар газалинг кулминацион байтлари бўлиб келади ва унда илгари сурилган ижтимоий-ахлоқий муаммонинг ечими вазифасини ўтайди. Бундай хусусият куйидаги газалда ҳам ўз ифодасини топган:

Борғил, эй ҳамдам, ҳар ёни,
Кўнғлума итмиш, топқил оғни.

Холин сўргил, ул ҳам сўрса,
Деким, йўқтур сенсиз жони.

Истиқбо айлаб ёндургил,
Келмас бўлса, де пинҳони.

Ким, ул дилбар қилмиш ваъда,
Бу тун бўлмоққа меҳмони.

Чин деб келса, ани эмди,
Айлай кўксумда зиндони.

Соқий, бизни ҳамдин қутқар,
Кетургил роҳи райхони.

Ул ойисиз ун чекса Навоӣ,
Ўттай гардундин афғони.

Ушбу газали ўқиганимизда ёрнин қутиб, айрилик азобида ўртанган ошқ қиёфаси кўз олдимизда гавдаланади. Мақтадан олдин келтирилган соқийнома характеридоги байтда эса ҳам-андухдан ҳалос бўлиш истагида соқийдан май сўраётган лирик қаҳрамон — ринднинг кайфияти тасвирланган. Роҳи райхоний — кўк рангли ичимлик, май. Мазкур байтда у шодлик ва хурсандчилик тимсоли сифатида талқин этилган. Ҳ.Исҳоқов таъбири билан айтганда, агар қўфияни ҳисобга олмақас, ишқ-муҳаббат ва хижрон кайфияти ифодаланган газалда мазкур байт чиндан ҳам тасодифийдек туюлади. Шунингдек, у алоҳида ҳолда ҳам тугал маънони билдиради.

А.Хайитметов Навоӣ газалларидаги соқийга мурожаат билан бошланган бундай байтларни лирик чекиниш сифатидаги байтлар, деб баҳолаган. Ҳ.Исҳоқовга кўра, улар бегона байтлар бўлиб, асосан, тавсифий (таъриф, мадҳда ҳам) газалларда келтирилган.

Соқийнома характеридоги байтларда шоирнинг ишқ-муҳаббат кечинмалари, ҳаётий-маънавий, ахлоқий-фалсафий мушоҳадалари, давр ва замон аҳлига муносабати ўз ифодасини топган. Уларда лирик қаҳрамон кўпинча хижрон ва айриликдан азоб чеккан, замон ва замондошларидан жафо кўрган, қувончу шодлигини, кўнғил осойишталигини, ишончу ва ҳақиқатни майда излаган бир қаҳрамон қиёфасида тасвирланган. Соқийга мурожаат тарзидаги мана бу байтда эса, шоир лирик қаҳрамон — ринднинг майпарастлиги сабабини бундай изоҳлайди:

“ХУСРАВИ ХУСРАВИШОН СОҚИЙЛАРИ ЭҲСОН ҚИЙЛАРИ”

Соқий, кўнғлума май хирсин кўрбун, сўрдинг сабаб,
Ҳажри дардин ё умори бегарониму дейин?
Яъни эй соқий, кўнғлумада майга ўлғимини кўриб, сабабини сўрадинг, сенга хижроннинг дардини айтмайми ёки беҳад ташналимини?

Байтда май ҳақиқий ишқ, илоҳий қуч-қудрат, маънавий етуқлик ва инсоний қамолотга етиштирувчи восита сифатида талқин қилинган. Соқий эса эзгулик ва меҳр-муруват рамзи. Шунингдек, сарқаш нафс қутқуларини енгиб, юксак ахлоқий одам бўлиш машаққатлари, кўнғилни ўткинчи дунёнинг турли-туман қингирикларидан қочиб, ҳаммаша Ҳақ ёди билан яшаш матлаби, ҳақиқат бодасини ичиб, чинакам комиллик саодатига эришиш истаги ринд тимсолида ўз аксини топган.

Навоӣ газалларида келтирилган майпараст, маст, бодапараст, сармат, боданўш, майхора, махмур, хумор, беҳуд, лабташна, бодашоом, дурдаш, дурднўш, журъакаш, қатранўш каби тушунча-тимсоллар ҳам ринд ва унинг ҳолатини ифода этади.

Бош кўярмен қуп аёғида май ичсам пайваст,
Қани муг дайрида мендек яна бодапараст.

Кўп — кўп микдордаги май сақланганидан идиш, хум. Маъжозий маънода эса у ориф инсоннинг қалби ва руҳи муқаддаси ҳам англатади. Маълумки, муг дайри ҳам, аслида, оташпарастлар ибодатхонасидир. Истилоҳ сифатида у орифлар ва авлиёлар сўхбатлари билдиради. Мазкур байтда муг дайри маънавий покляниш маскани, ҳақ ошқлари йиғилган жой маъноларини ифодалаган.

Шўх майўйўшимга Қорун ганжи тўқсам қадри йўқ,
Бизни майхонага гадойи қилди ул қаллошми.

Яъни шўх май ичувчимнинг олдига Қоруннинг хазинаси-

ни тўқсам ҳам қадри йўқ, у бепарво. Бу ўринда май ичувчи ва «майхона гадойи» ринднинг кайфиятини янада чуқурроқ англашга кўмак берган.

Шоирнинг май мавзуси қаламга олинган газалларида ринднинг май ичиш фурсати, бунинг сабаби, шунингдек, май-хўрликнинг тартиби ҳақида ҳам таъбир юритилган. Ринд, яъни майхўр, айниқса, баҳор фаслида, гулгунчалар қип-қизил очилди, атроф гўзал тусга кирганда қизил май ичишни лозим деб билади:

Май ич баҳор, хусусанки, лаългун майлик,
Сурохи ўртага келтурди ҳар қавн гунча.
Шоир май тавсифланган газалларида йиғитлик шижоати, ёшлиқ сурурини кўпинча «гул фасли», яъни баҳор билан биргаликда мадҳ этади:

Эйки гул фасли йиғитсен, бир нигорнинг доғи бор,
Келса илгиндин май ичгилким, будур ишрат чоғи.

Яна бир қизик жиҳати шундаки, шоирнинг лирик қаҳра-

мони — ринд майни ёлғиз ичишга қарши. Унингча, майхўрлик учун аввал тинч, осуда жой ва бир дилкаш улфат топиш лозим. Шундан сўнг бодага эҳтиёж сезса бўлади:

Авал иста манзили амну ҳарифи сода топ,
Чунки бу икки мўясар бўлди, нуқлу бода топ.

Ринд учун май ичишининг энг яхши фурсати бу шом пайтидир. Гарчи кундузи қуёш бутун оламни ёритиб, қарогон қилиб турса-да, у майхўрликнинг шомда бўлганини афзал билади:

Гарчи кундуз меҳр тобидин ёруғроқдур жаҳон,
Буйла жони айшини, албатта, лекин шом тут.

Шуниси ҳам борки, Навоӣнинг май мавзусидаги газалларида тунги майхўрлик — хушқашқалиқ, кўтаринки кайфият, кундалиқ ташвишларни унутуш, шунингдек, илоҳий завқу шавқ, маънавий-руҳий хузув-ҳаловат маъноларида ҳам келади. Бу ўзига хос хикмати ринд насихаттўйи воиз — ваъз айтувчига мана бундай уқтирган:

Кеча ичмак маю кундуз демек ичманг ани,
Хикмат ичра бу эрур яхши сифат, эй воиз.

Мумтоз шеърятда соқий ҳам, кўпинча, батақорр гўзаллик соҳиб сифатида таъриф баъсиф этилган. Аммо Навоӣ газалларида соқий ёш ва навқирон йиғит қиёфасида ҳам кўринади:

Давр аёғин, соқий, қўйма йиғит жонинг учун,
Ким, йиғитлик рўзғори айш давронини эмши.

Яъни эй соқий, йиғит жонинг учун давр қадахини кўлингдан ҳеч қўйма, чунки йиғитлик шодлик ва хурсандчилик фурсатидир.

Шоир лирикасида соқийи маҳваш, соқийи гулчехра, соқийи давр, соқийи даврон, соқийи гулрўш, Исавийдам соқий, соқийи Хисравнишон, соқийи хурваш, соқийи нўшин, соқийи

Ижод кишиси билан қилинадиган ҳар бир мулоқот, аслида, унинг битиклари шарҳи, таҳлилidir. Негаки, ижод аҳли ўзини мутлоага қилишга кўпроқ қобилдирки, шу боис, ёзувчи билан сўхбат бевосита кўнғил ҳақида бўлмоғи табиий. Кўнғилда эса гап кўп. Таниқли адиб Эркин АъЗАМ билан куйидаги сўхбатимиз ҳам болалик, умр манзиллари, ижод ва ижодкорлик матлаби хусусида.

Эркин АъЗАМ: — ...61 ёшга кирдим. Кўнғилимнинг энди 61-йиллик оқ босиб турибди. Эҳтирослар ҳам анчагина босилиб қолгандай, назариди. Бир вақтлар Бойсунга довош ошиб борар эдик. У Сакиртама деб аталарди. Довондан тугилган юртим манзараси кўриниши билан юрагим уриб тўлиқиб кетар эдим.

Буни қарангки, вақт ўтиши билан энди Бойсунга борганимда аҳвол бошқача. Ҳозир йўллар ҳам текис, юрак ҳам дуқилмай қўйган. Менимча, бу — туйғулларнинг дағаллашувидан бўлса керак.

Умримнинг асосий қисми Тошкентда ўтатти. Аммо чет элларга борсам Тошкент ҳаёлимга келмайди, Бойсунимни соғинаман. Бўлмаса болаларим, оилам шу шаҳарда-ку! Бойсунга йилда бир-икки марта қариндошларимни, кекса онамни кўргани бораман, ҳолос.

Тўғриси айтидиган бўлсам: ҳозир менинг ул Бойсуним қолмаган. Биларси, шу кунларда кўпроқ кинога сценарийлар ёзганман. Режиссёрлар мен тасвирлаган жойларни, одамларни ҳозирги Бойсундан тополмай овера. Кўп нарса ўзгариб кетган.

Она тупроғимнинг менинг юрагимдаги, хотираларимдаги файзу таровати бошқача эди-да!.. Шоир дўстим айтгандай, “Қаерларга кетдинг, Бойсунжон!” дея “оҳ” чекиб юрибман...

Тошкентга ўн етти ёшда келганман. Одамнинг болаликдан қолган таассуротлари унинг кейинги умридаги таассуротлардан залворлироқ бўлар экан. Ана шу салмоқ ижодкорга кўп нарса бериши мумкин.

Ҳар йили тугилган кунимда Бойсундан дўстларим келади. Улар билан болаликдаги хотиралардан гурун қиламиз. Таниган-билган ҳамқишлоқларимизнинг феъл-атворию гоҳо кўз илғамас қилиқларига аниқ-тиник эслаб бошласам, жўраларим хайратда қолади. Бу нарса хотиранинг зўрлигидан эмас, балки ўша — тошга йилган болалик таассуротлари билан боғлиқ хараён.

Болалигимда содир бўлган бир воқеани гапириб берай. Олти ёшларда эдим чамаси. Бобомнинг ўттиз сотиҳча келадиган катта ҳовлисида турардик. Ҳовли қолхонинг боғига туташиб кетган. Ҳатто ўшанда кийган кийимим ҳам эсимда: отамнинг “пўрим” костюм-шимидан онам бўйимага мослаб тикиб берган эди. У замонларда ёш болаларга мос бунақа костюм-шимни мағазинлардан топиш амримаҳол эди-да.

Хуллас, костюм-шим кийиб, ясановлиб аммалари билан қолхоннинг боғига тушганмиз. Олчазор ўрикзорлар оралаб кетаётганимизда адашиб, ёлғиз қолганман. Ижарада бутунлай шу ерда қолиб кетдим”, деган ваҳимда шунақа кўрққанманки, ўтириб олиб роса йиғлаганман. Кейинчалик ўша боғ билан уйимизнинг ўртасидаги масофани чамалаб кўрсам бор-йўғи икки юз қадам келар экан. Лекин дарахтзор жуда қуюқ бўлган-да. Шу ҳодиса хотирамга маҳ-

кам муҳрлиб қолган. Гарчи бу гафга 65-йил бўлаётган бўлса-да, ҳозир ҳам баъзан ўшандай ҳолатга тушаман. Мени ҳеч ким тушунмаган кезлар кўпинча шундай бўлади. Сизни ҳеч ким тушунмаса, йўқолгандай гап-да, тўғрими? Гоҳо уйлaimан: йўқолиш ҳодисаси менинг қисматимга уйқаш бир ҳол экан-да...

Мухтасар ТОЖИМАТОВА: — Ҳар бир боланинг ичида даҳо яшайди, деган хикमत бор. Агар шу бола бўла-жақ ёзувчи бўлса, энди бу болалик яна-

ҚАЛБИ БЕДОР ҚАҲРАМОНЛАР

да рангин, ҳаёл ва тасаввурларга бой бўлмоғи лозим, шундай эмасми?

— Китобхон болалик чиндан-да сеҳрли, саволлари мўл. Гоҳо Алломишга айлансанг, гоҳо Авазхонга жүра тушсан. Болаликда ўқиган достонларим эсимда: “Гурўғли”, “Кунтунгуст”, “Алломиш”лар... Пушкиннинг “Капитан қизи”



экан”, дейсиз, бордию кўлёмангизни қайтарсам — душман тайёр-да! Бу табиий ҳол.

Бугун энди таҳририятга келган кўлёмна эгаларига илоҳи борича яшар гап билан жавоб қайтаришга ҳаракат қиламан. Агар кўлёмнаси ёқмаса, “Яхши-ю, бир оз киёмига етмабди-да”, дейман. Аслида эса, “Сиз бу турган-битгани азоб, машаққатли хунарни кўйинг, оғайни, яхшиси, бирон бир мансабнинг пайидан бўлганингиз тузук”, деб дангал айтиш керак.

— Биз кўп дуч келадиганимиз “Ижод бу — қисматдир” каби мулоҳазаларга сизнинг муносабатингиз?.. — Ўтган йили тобим қочиб касалхонага тушган эдим, бир ҳамшира оғамиз асарини яхши кўрдим. Тушунсам-тушунсамасам “Хамса”ни ўқирдим. Гарчи янги бўлмаса-да, меҳмонхонамизни “янги уй”, деб атардик. Ўша ерда отамнинг тузуқина кутубхоналари бор эди. Болаликда кўрган-билган воқеаларимдан ҳам кўра ўша ўқиган китобларимдан кўпроқ таъсирланганман.

Шу ўринда бир гапни таъкидлаб ўтсам — ёзадиган одамга барибир Тошкент яхши, Тошкент қулай. Шунингдек, бу азим шаҳарда қолиб кетдим. Шоирона айтганда, шу ерда “нашъу намо толдим”.

Болалигимда ниҳоятда таъсирчан, тажана бола эдим, унча-мунча гапга жи-зиллаб кетаверардим. Ҳозир айтса қил-гули туюлар, биз ўқитувчиларимизга “ўртқо муаллим”, деб мурожаат қилардик. “Домла” ёки “устоз” деган гаплар йўқ эди. Иккинчи кўрсда ўқитганимда да ўша мактаб даврларини эслаб “Кечирасиз, ўртқо муаллим!” деган қисса ёзганман. Ижарада бирга турган ақамиз Неймат Курбон у ер-бу ерга олиб борса, “Совет педагогикасига тўғри келмайди бу”, деб қайтиб берилган.

Яқинда лотин алифбосида тўлғаман нашр этилди. “Шу нарсами ҳам кўйсак қандай бўлар экан”, деб Набижон Бокийга маслаҳат солган эдим, “Қайтага

“Эркин ака, ёзувчи экансиз, мен ҳақимда бирор нарса ёзсангиз-чи”, деб қолди. “Қани, кўнғилгизда нима дардингиз бор?” деб сўрадим ажанибани. “Оилам рисоладагидай, қайнона-қайнотам ҳам, эрим ҳам яхши. Болаларимнинг ҳаммаси эсли-хушли. Тақдирдан ҳеч бир шижоатим йўқ”, деб жавоб берди у. “Унда шўрона айтиб яшайвермайсизми, ахир! Армону азоблардан, дарддан холи ҳеч бир тақдирда ёзувчи учун қизик нарса йўқ. Дардсиз эса ҳеч нарса ёзиб бўлмайди”, дедим унга.

Дарҳақиқат, дард — ижодкорнинг юрагини ишга соладиган буюқ кўч, десак адашмаймиз. Унинг ўз қонунятлари бор. Шу дардингиз ёғдуси ижод қилишини ўзига жодудай тортаверадим. Аммо, тўғриси, “Ижод” сўзи менга китобий, эришроқ туюлади. Шу ёшга кириб хали бирор жойда “менинг ижодим, менинг асарим” деб лаъла қилмаганман. Яқинда телевизорда бир ёш актриса билан сўхбат бўлди. “Менинг ижодим”, дея гап бошлаган эди, энанам қотиб кетди. Ижод, ижодкор деган сўзларга масъулият билан қараш керак-да... Раҳматли устозимиз Асқад Мухтор “Ёзувчиман десангиз — яхши одамман дегандир. Адибман деб қўя қоламан”, дердилар. Айтгандай, иғво-

гар кишини ҳам баъзан ёзувчи, ёзувчи деб атайдилар-да.

— Ёзувчи савёз жойда чўқади, деган гап бор. Шу маънода, устоз адиб сифатида адабиётда ҳолислик мезонини нималарда кўрасиз? Адабиётимизда айна пайтда ўткир сўзининг, холис фикрнинг салмоғи бир оз пасайгандай сезиларди.

— “Офаринчилиқ”, ноҳолислик бе-маза иш-да. Яхши нарсани ғараз билан ёмонга чиқарсақ, ёмон нарсани яхши деб кўпиртирсак, худого ҳам ёқмас... Масалан, бирон ёш ижодкор “Сендан барибир шоир қиймайдим”, деб ҳар қанча зуғум қилманг, у барибир танлаган йўлдан қолмайди. Асл истеъдодли эғиб, истеъдодсизликни эса даволаб бўлмайди. Чингиз Айтматовнинг гапи ёдга тушади: “Умр бўйи

буларнинг ҳам баъзан ёзувчи, ёзувчи деб атайдилар-да.

— Президентимизнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга эътибор” асаридида шундай сўзлар бор: “Халқимиз йиллар, асрлар давомида орзиқиб кутган озолиққа эришиб, ўз тақдирини ўз қўлига олганидан кейин ҳар қандай тақдир ва хатарларга қарамасдан, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадида амалга ошираётган ишларимизни, энг муҳими, бу борда қандай оғир йўллардан, қандай мураккаб боқилардан ўтишга тўғри келаётганини чуқур англаб етиши керак. Адибларимиз айнан мана шундай масалалар устида, бугунги кунда уларнинг сўзи халқ қалбиди

қандай акс садо бераётганини хақида яна бир бор ўйлаб қўришларини истардим”. Айни шу мулоҳазалардан келиб чиқиб сиздан сўрамоқчиман: озолиқ тўғриси одамларимиз руҳиятида қандай ўзгаришлар юз берди?

— Энг аввало, ёзувчиман деган мардум учун бир дунё мавзу-материалга йўл очилди. Кечаги замондаги мавзулар доирасидан хабарингиз бор; дейлик, одамга коммунист ёки коммунист эмаслигига қараб нарх қўйилар эди. Мустақиллик анан шу гайринисоний та-мойлликга бараҳм берди.

Барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, Юртбошимиз томонидан ижодкорларимизга муносиб шароит яратиб берилмоқда, катта ҳамқўриқлар қилинмоқда. Шу билан бирга муаммолар ҳам йўқ эмас. Бири шуки, ҳозир ҳамма ёзишга тушган, бўлса-бўлмаса, қўлидан келса-келмаса, катта-катта китоблар чиқариб ётибди. Қўполикка йўйманг-у, бу ижод эмас, қаллоблик! Ана ўшалар ўзини ўзи истеъдодли шоир ёки ёзувчи деб атайдилар.

Хабарингиз бўлса, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида шу мавзуда бир қатор танқидий мақолалар ҳам ёзилган қилинди. Ёзувчи ёки шоирнинг истеъдоди унинг тўпланмаю жамланмалари билан эмас, ёзган асарининг бадиий салмоғи билан белгилианишини унутмаслигимиз даркор.

Яна бир гап — китоб чиқараётганимизда нашриёт ходимлари “Ўзингиз ҳақингизда тавсифнома ёзиб келинг, ёки — ие, бу нимаси, ҳатто шоғирларнингиз ҳам ўзларини “таниқлиқ истеъдодли” деб таърифлаб келишпти-ку?” дея таъжубланишди. Шундай пайтларда устоз Қаҳҳорнинг “Мен ёзувчининг ахлоқ кодексида ҳалоллик ва шижоатни қўшган бўлардим”, деган гапларини эслайман. Мен эса ўша кодексга ор-номусни, уятни ҳам қўшган бўлардим.

— Шунинг учун ҳам сиз каби устозларимиз янада хушёрроқ, талабчорроқ бўлиши керак-да!.. — “Чапақлар ёхуд чалпақлар мамлакатиди” деган қиссадан шундай гап бор: “...Бир вақт қарасам, қулоқ-миямада доғи доимий ғувиллаш тинган — уни тайёранинг бўғиқ шовқини босиб кетди. Дароз дўхтир хато қилган экан. Дунёда чорасиз дард йўқ. Гап — нимани таллаб, нимадан воз кечишди!” Келинг, ушбу иқтибос билан сўхбатимизга яқун ясааск...

— Мазмуний сўхбатингиз учун раҳмат!

миз жудаям кўп. Ёзувчи қаҳрамонни ана шундай одамлар сирасидан танласа адашмайди.

— Президентимизнинг “Адабиётга эътибор — маънавиятга эътибор” асаридида шундай сўзлар бор: “Халқимиз йиллар, асрлар давомида орзиқиб кутган озолиққа эришиб, ўз тақдирини ўз қўлига олганидан кейин ҳар қандай тақдир ва хатарларга қарамасдан, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадида амалга ошираётган ишларимизни, энг муҳими, бу борда қандай оғир йўллардан, қандай мураккаб боқилардан ўтишга тўғри келаётганини чуқур англаб етиши керак. Адибларимиз айнан мана шундай масалалар устида, бугунги кунда уларнинг сўзи халқ қалбиди

қандай акс садо бераётганини хақида яна бир бор ўйлаб қўришларини истардим”. Айни шу мулоҳазалардан келиб чиқиб сиздан сўрамоқчиман: озолиқ тўғриси одамларимиз руҳиятида қандай ўзгаришлар юз берди?

— Энг аввало, ёзувчиман деган мардум учун бир дунё мавзу-материалга йўл очилди. Кечаги замондаги мавзулар доирасидан хабарингиз бор; дейлик, одамга коммунист ёки коммунист эмаслигига қараб нарх қўйилар эди. Мустақиллик анан шу гайринисоний та-мойлликга бараҳм берди.

Барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, Юртбошимиз томонидан ижодкорларимизга муносиб шароит яратиб берилмоқда, катта ҳамқўриқлар қилинмоқда. Шу билан бирга муаммолар ҳам йўқ эмас. Бири шуки, ҳозир ҳамма ёзишга тушган, бўлса-бўлмаса, қўлидан келса-келмаса, катта-катта китоблар чиқариб ётибди. Қўполикка йўйманг-у, бу ижод эмас, қаллоблик! Ана ўшалар ўзини ўзи истеъдодли шоир ёки ёзувчи деб атайдилар.

Хабарингиз бўлса, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида шу мавзуда бир қатор танқидий мақолалар ҳам ёзилган қилинди. Ёзувчи ёки шоирнинг истеъдоди унинг тўпланмаю жамланмалари билан эмас, ёзган асарининг бадиий салмоғи билан белгилианишини унутмаслигимиз даркор.

Яна бир гап — китоб чиқараётганимизда нашриёт ходимлари “Ўзингиз ҳақингизда тавсифнома ёзиб келинг, ёки — ие, бу нимаси, ҳатто шоғирларнингиз ҳам ўзларини “таниқлиқ истеъдодли” деб таърифлаб келишпти-ку?” дея таъжубланишди. Шундай пайтларда устоз Қаҳҳорнинг “Мен ёзувчининг ахлоқ кодексида ҳалоллик ва шижоатни қўшган бўлардим”, деган гапларини эслайман. Мен эса ўша кодексга ор-номусни, уятни ҳам қўшган бўлардим.

— Шунинг учун ҳам сиз каби устозларимиз янада хушёрроқ, талабчорроқ бўлиши керак-да!.. — “Чапақлар ёхуд чалпақлар мамлакатиди” деган қиссадан шундай гап бор: “...Бир вақт қарасам, қулоқ-миямада доғи доимий ғувиллаш тинган — уни тайёранинг бўғиқ шовқини босиб кетди. Дароз дўхтир хато қилган экан. Дунёда чорасиз дард йўқ. Гап — нимани таллаб, нимадан воз кечишди!” Келинг, ушбу иқтибос билан сўхбатимизга яқун ясааск...

— Мазмуний сўхбатингиз учун раҳмат!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА сўхбатлашди.

Кўнғил — сўз ватанидир

Сўзнинг барча фасли кўнғилда кечади. Кўнғил ёбонига гоҳ баҳор, гоҳ қузақ дамадан келиб кетаверади. Кимнинг кўнғилда сўз ашнаб барг ёзади, хосилга инади, қимнинг кўнғилда сўз қавжлар хор у

Александр ФАЙНБЕРГ,
Ўзбекистон халқ шоири

ҚЎШИҒИМГА ЖЎР ОЛТИН РУБОБ



Ижодда йўлдошсиз, ҳаётда қондош,
Юксак парвоз айланг мисоли бургут.
Ҳаётга бўлурсиз боқий замондош,
Қораламаларга қўямасангиз ўт.

Бахш этади дилга оромлар,
Боқсанг табиатнинг рўйига.
Тошқулбалар, дойсувоқ томлар
Чопиб чиқар дарё бўйига.

Чойхоначи чой дамлар машҳур,
Тирилтирар Масихдек жонни.
Пиёлада порлаган кўк нур
Ёдиради мовий осмонни.

Яшадиган сатрлар

ҚОРАЛАМАГА ҚАСИДА

Қўнлигини очиб қўй, шоир, субҳидам,
Бошқача яшаш қабрга қалар.
Меҳриндан нур олсин олам ва одам,
Сев, юракдан қуйла. Худо бўлсин ёр!

Тоза қўлэмалар... Қўйма кўп ружу,
Улар шай, сенсиз ҳам учмоққа тайёр.
Қораламалар бор галадонда қулф,
Топилмас улардек солиқ, вафолор.

Китобинг қон-жони удан иборат.
У — ижод, у — меҳнат,
у — сардор ва бош.

Агар қозонсанг ҳам кейин шон-шухрат,
Қораламаларга тўқарсан қўз ёш.

Қоралама... Сиртдан камтарин, фақир.
Бирок қасос олар қилсан хийнат.
Улар харфларинмас, сўзинмас, ахир,
Юлдузлар товушин айлар башорат.

Шоирлар, авайлаб асранг доимо,
Уларда ҳудода сирли ришта бор.
Ёдлаб олиш мурин шешларини, аммо
Илҳом лаҳзаларин қайтармоқ душвор.

Бийдай адирда янтоқларнинг эчкилар кемириб
ташлаган бутюкларини унинг зўрга босиб келаётган
ҳадамларини орқага тортади. Юрган сари
оёқлари оғирлашиб, хос-бехос қайрилиб кетар,
ўзига бўйсунмагандек судралиб-судралиб орқада
қоларди. Пастки жағлари оғирлик қилгандай,
хар замонда сўйлоқ тишлари кўришиб гижирлаб
кетарди. Кўзларини базур очар, бир қадам на-
ридаги нарсани кўриш мумкин-у, узоқларга ти-
килишга мадор ҳам, ҳафсала ҳам йўқ эди.

Илгаригидек мағрур боқишлар, ўткир нигоҳлар
билан зийрак термулишлар қани...

Хов бир пайтлар унинг нигоҳидан ҳеч бир шар-
па қочолмасди. Утовдан сал тепароқда жойлаш-
ган майдонтошда орқа оёқларида чўнкайиб ўти-
риб олиб олисларга шубҳали, тамшаниб, сер-
жаҳл термулар, қўшининг қандай ботишини ку-
затгандек тикилиб ўтирарди.

Кечки подасанокдан кейин у бироз енгил на-
фас олди. Яна ўша майдонтошга чиқиб ўтирди.
Ким билсин унинг бу одатий ишани нима мақ-
садда қилишини. Балки ҳақиқатдан ҳам қўш-
нинг ботишини томоша қилар. Пальтонинг қора
тугмасидек бурнини ҳавога нуқиб бир нималар
хўшнинг ҳидини олади гўё. Унгу сўлга қараб ҳаво-
ни исқади. Кўзларини катта очиб, қуллоқлари-
ни динг қилади, бақувват олд оёқларини қизиган
майдонтошга тираб, турилганда бус-бутун
бўлган, энди эса тўрт энлик тумтоқ думини би-
линар-билимас қимирлатиб қўяди. У ёшлигини
да бу тошга чиқолмасди. Шалпанг қуллоқларини
осилтириб, думини ликиллаб атрофида айлан-
ган айланган эди. Бир-икки марта унинг мақ-
садини англаган чўпон уни кўтариб тошга чиқари-
б қўйганди. Шундан бери майдонтош унинг
қароргоҳи. Кўпни кўрган чўпон-чўлиқларнинг ай-
тишича, ўлганга кўп йил бўлган Лома ҳам бутун
умрини худди мана шу жойда ўтириб ўтказган.
Лома Кўкбўри кучга тўлиб ўзини кўрсатмагунча
яқин атрофга бирор жонзотни яқинлатмаган
экан. Унинг хайбати шу даражада бўлганки, Амударё
дарё тўқайларида юрган йўлбарслар ҳам Шай-
тондардан бу ёғига ўтишолмаган. Қачонки,
Кўкбўри ёшига етиб, куч-қудрати билан Бобо-
тоғ этакларини ўз тасарруфига ола бошлагач,
ёши бир жойга бориб қолган Лома бир неча
да майдонтошнинг ўзига яқсон қилиб кетган.

Бу шалпангқуллоқ ҳам шу тошга интиқ бўлаве-
риб, чиқишга ҳаракат қилавергач, чўпон-чўлиқ-
лар ўзларича, «Шу чўпон Ломанинг изини ҳам
Босади-ёв» деб унга ҳам Лома деб ном бериш-
ди. «Лома»нинг маънисини ҳеч ким билмайдди.
Чўпон-чўлиқлар ўртасидаги миш-мишга қараган-
да, олис тоғлару дарёлар, қўллару чўллар орти-
да, дунёнинг катта қисмини эгаллаб ётган су-
варларнинг нариги ёғида бўридан катта, палангдан
кичик, жондорсифта Лома деган жонивор яшар
экан. Яқин атрофда ягона исм бўлгани камдек,
ўзи ҳам бетакор бўлиб ётишди. Уни кўрганда
одамнинг танига титроқ турадиган, этхўрлар ду-
мини қисиб олисларга қочиб қоладиган бўлиш-
ди. У ит зоти яшаш мумкин бўлган ёшни ор-
ти билан яшайди. Унинг ҳаётига ҳеч ким ҳавф
сололмади. Қачонки, Шайтондарда Кўкбўри
пайдо бўлмагунча. Кўкбўрини бир марта яқин-
дан кўришга муваффақ бўлган яққо ёлғиз чўпон
хамроқларига шундай хижоқ қилиб берган: «Шай-
тондара ўртасида катта-кичик шу яқин атроф-
нинг ўн-ийгирма чоғли бўрибосар итлари тўда
бўлиб турибди. Ер тизза бўйи қор. Итлар гир
айлана бўлиб, гоҳ ўртага талпинади, гоҳ орқага
тисарилади. Бозор чўпоннинг айикдай келади-
ган ити тўда ўртасига ҳаммадан олдин ҳадаха-
лаб кирмоқчи бўлади-ю, юрак бетолмайди.
Тўда ўртасида эса улкан Кўкбўри ваҳожат билан
хурпаяди. Унинг бўрилигига шубҳам бор била-
родарлар. Кўзимга шер бўлиб кўринди. Гала
ўртасида ёларини хурпайтириб мағрур туриб-
ди. Оёқларини кенг ёйган, думи ҳам арпа еган
тарлоннинг думидай гажак. Уёқ-буёғига таҳдид-

КУЗ РУБОБИ

Хор бўламан куз ёнган пайти,
Куз ҳамроҳим кўчманчи, дайди.

Қўшиғимга жўр олтин рубоб,
Ток қабрида хум тўла шароб.

Умрим ёнар бир сароб ила,
Аёл, юлдуз ва рубоб ила.

Дилда булбул «чаҳ-чаҳ»лаган тун,
Бу қисматим. Тўрт кунми? Беш кун?

Юлдуз учар, барг учар азон,
Боғда фаррош суғурар хазон.

Куз навқирон қиздек мастона,
Тилла сочи тўзюк, девона.

КУЗ ЧИЗГИЛАРИ

Ёз умуман йўққа ўхшайди.
Туманларда титрайди гарам.
От-арава инграб-қақшайди.
Шўх соҳиллар етимдек пургам.

Қўлларининг қорайган туси,
Кафтларимдан анқийди руда.
Солидол ва ёнгли иси,
Хуллас калом, айқийди шўра.

Хўб эрийди қишлоқлар олис,
Далаларга ёғди ёмғир.
Отлар кўзи киртайган, маънос,
Гилдираклар излари чуқур.

Шарқона ҳовлига эгилар ҳилол,
Чорбўдан таралар суҳбат, садолар.
Серкўёш воҳода оқшом бетимсол,
Тоғлардан эсади муздек саболар.

Чанқаган пайкаллар қониб ичар сув,
Далалар пинакка кетар хотиржам.
Оғушига олиб эркалар уйқу,
Ярим тун кўзимни юмаман мен ҳам.

Кўвонч кам бўлса ҳам умримда, аммо
Самоларга боқиб қувнади кўзим.
Паҳса девор узра менга доимо
Чарақлаб термулиб турди юлдузим.

Қизин пайкаллардек сув ичай оқшом,
Муздек булоқларда чўмилсин юрак!
Ишчан далалардек олайин ором,
Ахир, бу дунёда яна не керак?!

Рус тилидан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси

Ирода УМАРОВА

СИЗ МЕНИНГ ҚАДРГУЛИМСИЗ



ҚУРИМАС БОФ

Сиз — кўзимни асраб юрган нур,
Сиз — бошимни тик тутган сурур.
Сиз — қўёшга қараб кетган йўл,
Бору йўғим шу йўлда эрур.

Ташвишимда пинҳон нурайсиз,
Лек сузанам тоғдай тирайсиз.
Хаста бўлиб келмай қолсангиз,
Тушларимда ҳолим сўрайсиз...

Айтарлар-ки: қош-қўзимда — сиз,
Истарайн юлдузимда — сиз.
Яхшиликни сиздан, даладон,
Орим, фаҳрим ва сўзимда — сиз.

Дарахтсиз, сиздан бир шохман,
Дуонгиздан сув ичар шаъним.
Изингиздан кўқарган боғман,
Курмоққа ҳаққим йўқ маним!

СИЗ МЕНИНГ...

Соғиндигиз,
Лекин кўрсатмадим рўй,
Онажон, сиз менинг сабруглимсиз...
Меҳрингиз тўқилган мактублар хушбўй,
Онажон, сиз менинг атиргудлимсиз...

Келдигиз,
Кетдигиз дийдорга қонмай,
Юрагим эргашди изларингиздан.
Ёлғон таскинларга қўйиб ишонмай,
Тошбағир чикдимми қизларингиздан?

Кутдигиз...
Бормадим байрамларда ҳам,
Ва байрамлар кутдим маҳзун, кўнгилсиз.
Сиз учун ўзимдан аразлаганман,
Онажон, сиз менинг қадруглимсиз...

Соғиндим...
Кўзимга қадалди йўллар,
Оғриқлар осиди томиларимга.
Ранги камалакда ҳам йўқ туйгулар
Дарз содди музлаган сабрларимга.

Йиғладим...
Исмимдан юзим ўтириб —
Гуноҳим қошида чўққаладим тиз.
Бағрингизга ботай бир шабнам бўлиб,
Онажон, сиз менинг атиргудлимсиз...

ОПАЛАРИМГА

Опаларим менинг,
опажонларим...
Меҳримни суғорган меҳрибонларим.
Такдир ёр-ёр билан ўзга уйларга
Ўзиб кетган сулув гул-райҳонларим.
Менинг опаларим,
опажонларим...

Боғда тебранар бўш ҳайинчаларим,
Энди дугонам йўқ, қуюнчаларим.
Термадик — ёмғирга талоч бўлдилар
Қирларда бодрган бойчечакларим...
Эслайсизми иссиқ қоққулчангизни,
Ёшлигингиз ўтган тор кўчангизни?
Болангиздан ортиб йўқлаб қўйсангиз,
Сўйиб катта қилган сингилчангизни...
Йиғилиб қоламиз ойда, йилда бир,
Шунда ҳам ота уй тўлмайди, опа.
Кимингиздир иш, деб сўрайди узр,
Кейин... даврамизга келмайди, опа.
Жуда олислашдим гулзоримиздан,
Сўзингиз орқасидан кетдим излаб шон.
Онажон, ичқидим дийдорингизга,
Мен сизни соғиниб кетдим, онажон!
Соғ бўлгансиз, бахтли бўлгансиз, омин!
Кам давгад юзга тўлгансиз, омин!
Ошпоқ либос киймас, қарқуноқларим,
Тўйимга йиғилиб келгансиз, омин!
Менинг опаларим...
осмондиларим...
Боғимдан узлиб кетган тулларим...

ли боқиб, ҳамлага шайланади. Лабларининг че-
тини жийриб сўйлоқ тишларини иржайтиради.
Бир пайт тишларини гижирлатиб теварагига чанг
солди. У увилламади, ангилламади, улимлади
ҳам. Унга ёпишган итлар жон талвасада увил-
лаб, думларини чотлари орасига қисиб орқа-
сига қараб қоча бошлади. Худо зўрдан зўрни
яратар экан-да. Жусса бошқа экан, юрак бошқа
экан, дея ҳаммани оғизга қаратган эди ўшанда
чўпон. Шундан озгина вақт ўтиб Лома тинчи-
ти кетган Кўкбўрининг қудратига ҳеч ким шуб-
ҳа қилмай қўйди. Чўпонман деган-
нинг тинчи бузилди.

Кичкина Лома эса мана шу жой-
ни мустаҳкам эгаллаган эди. У ҳам
эндиликда чинакам кучга кирганди.
Фавқулодда қулгоғига чалинган овоз
уни сергақлантирди. Олдинги
англиз олманган бўлса ҳам кейин-
гиларини аниқ-тиник эшитди.

— Лома ол, Лома бос!

Худди сувга сакраган фаввос-
дек бир сапчиб орқа томонга ў-
тириб олди. Чақмоқдек миясига
урилган фикр подаётқоки айла-
ниб ўтишга ундади. Демак майд-
онтошга чиқиб олиб ҳид олиши
фойда бермади. Кутилмаганда
очик-текис жойдан бўриларнинг
сурувга хужум қилишини кутма-
ган эди. Бу шомолнинг тескари
эсганидан. Ломани чалитишга
уринибдими, бу бўрилар ҳам
аноийлардан эмас. Лома подаё-
тқоки айланган югурар экан орқа
оёғида оғриқ сезди. Буни оғриқ
ҳам деб бўлмади. Кўрққанда
юраги орқага тортиб кетадиган-
дек бир ҳол. Ўша Кўкбўри билан
илк олишувда олган жароҳати
яна эсига тушди. У қачон бўри-
ларга рўбарў бўлса, ёшлигидаги
Кўкбўридан орттирган ярадорли-
ги ичиде бир симиллаб қўяди.

Кўкбўри бутун яйловга номи
чикқан, ўзининг қонхўрлиги билан донг таратган
пайтлар. Кўкбўрининг улкан панжалари қолдир-
ган излар ҳам чўпонлар юрагига қўрқув соларди.
Бу ерларда чўпон-чўлиқ Кўкбўрини яқин билар-
ди. Одатда бўрилар гала бўлиб юрса у ёлғиз юрар,
бирор бир галада уни учратishi мушкул эди. Утган
вақт мобайнида атай уни овлаш учун овчи ёллаб
қилган ҳаракатлар бесамар эди. Буни баъзилар
мағрурликка йўйса, баъзилар уни қариб қолган-
га, чиқаришди, яна бировлар эса у бўри қиёфа-
сидаги ажина дейишарди. Кўрқув ва йўқотиш ни-
малар қилмайди, дейсиз. Кўкбўри доҳил бўлган
маконда қиёмат бошми бўларди. Унинг бир ўзи
қилган ишни бутун қоши гала ҳам қилиши муш-
кул. Одатда қудратли бўриларнинг теварагига кўп
бўрилар йиғиллади. Лекин унинг ёлғизлиги жум-
бок эди. Унинг омон юриши сабаби ҳам балки
шундандир. Хоҳлаган қўтонга кириб келар,
қўйларни емаса ҳам бўғизлаб кетарди. Хатто
чўпонларга ҳам ҳамла қилишдан тоймас, далада
бўш қолдирилган эшакларни ҳавасига бўғизлар-
ди. Бир воқеадан кейин у милтиқдан қўрқадиган
бўлди. Ўшанда Лома ҳали бироз кичик, айқ
боласидек паҳмоқжули, етилиб келаётган кучук эди.
Лекин у ҳам ҳеч нима қилолмади. Кўкбўрининг
бўғизга қараб чанг солганда бўри чап бериб, унинг
орқа икки оёғини қўшиб тишлади-да ёнига улқот-
тирди. Бўлди Ломанинг бошқа саси чикмади. Куч-
куни биргина ўқ товуши асраб қолди. Бир замон
ўзига келганда подада қий-чу, қўйлар бир неча-
да гуж бўлиб, қуллоқлари тиккайиб турарди.
Шундан кейин Ломанинг юрагида оғриқ,
оёғида мана шу чандик қолди. Лекин Лома
ҳақиқий бўрибосар бўлиб етишди. Боботўғнинг
наманан деган бўриларини ер тишлади. Лекин
Кўкбўри...



Абу БАКИР

ОЛИШУВ

либ, соядай кетарди. Иккаласи гуж бўлиб дума-
лаб кетишди. Шу гетишда Лома Оқтўқнинг
бўғизга ўткир тишларини ботирган, уни бир ҳам-
лада қонига ботириб кетди. Олдинги тепалик-
ка қараб чоған Чиноқ бирдан йўлини ўзгартир-
ди. Лома Чиноқни кўздан қочирмади. Изма-из
унинг орқасидан таъкиб қилди. Боботўғнинг
ўрқач-ўрқач, серқоя адирлари бутун яйлов
бўйлаб йрмоқ-ирмоқ бўлиб дараларга бўлиниб
кетган ёмғир сувларининг излари бўйлаб чопиб
бораркан, Чиноқнинг хавотири ортди. Орқаси-
да арлони — Оқтўқ йўқлигини пайкаб қолди.
Саригамоқ кўзлари олазарак бўлди. Орқасидан
изма-из келаётган Ломанинг қораси яқинлади.
Кўзлари ёшлиниб, йўлини кўздан хиралашти-
б бораверди. Энди арлони Оқтўқни қайтиб
қўрмаслигини англаб безовталиги ортди. Вужу-
дида қони қўпирди, жаҳли чиқди. Шарт тўхтаб,
калтафаҳим қўйни бўғизлагандек Ломани ҳам
гажиб талағиси келди. Ниҳоятдан қайтди. Олдин
ҳам унга бас келиш қўйин бўлганини яқин била-
ди. Кучига ишонмади. Лекин жуфтини ўйлаб
инграб-ғинғиш йўлида давон этди. Шунда учиб
бораётган бўрининг хаёлига эски хўйла келди,
югуриб бораркан, кўнгли таскин топди. Ломани
бу ерларда қайтиб бўлмаслигини тасаввур
қилиб тани роҳатланди. Юришини секинлатди
ва йўлини бироз чалга олди. Шайтондара сари
бурлиди. Узини тетик ва бардам тутишга ҳара-
кат қиларди. Режаси бўйича ҳаммаси тўғри ке-
таётган эди-ю, лекин юрагидаги ваҳима бари-
бир босилмасди. Чунки бу жарликлар Кўкбўри-
га тегишли. Бу маконда қари Кўкбўрига дуч ке-
лдиши нафақат чўпону чўлиқлар, хатто унга қав-
модож жондорлар ҳам хоҳлашмас эди. Кўкбўри
галага қўшилмагандек ўзининг олдига яқинлаш-

Лома бундай пайтда нима қилишни билади.
Тўғридан борса ҳам, четдан айлиниб борса ҳам
бўрилар бир икки қўлни ёриб ташлашга улгу-
ради. Қўй дегани бепаросат келади. Улар Ло-
мани ҳам бўри деб тум-тарақай қочишади,
бўрига эса шу керак. Қўйларнинг хурқанини
кўриб, улар ҳам қочиб қолишади. Лекин ўрта-
дан югурган ит бўрига етолмаслиги аниқ.
Қўйлар ҳалал беради. Шу сабаб Лома подани
айлиниб югурди. Унга қўй эмас — бўри керак.
Чўпоннинг милтигидан ҳавога икки ўқ узил-
ди. Бу вақтда Лома йирткич гала-
нинг ёнига етганди. Поданинг
ичидан отилиб чиққан Чиноқ би-
лан Оқтўқни Лома аниқ таниди.
Оқтўқ эччил бўри ҳеч қачон Ло-
мага бетма-бет келмаган. Уни
доим чалитиб келган. Чиноқ эса
Қоплоннинг «кадрони». Худо
зўрдан зўрни яратар экан-да.
Жусса бошқа экан, юрак бошқа
экан. Улар бир неча марта куч си-
нашган, доимо кучлар тенг келиб
бўри бўлмаса бири чекинган.
Шундай жағларнинг бириси Чин-
оқнинг бир қулгоғи Қоплоннинг
оғзига қолган. Шундан чўпон-
чўлиқлар бу бўрини Чиноқ дейи-
шади, лекин қўлга туширилмай-
ди. Бу гал Қоплоннинг ошиги
олди бўлди. Подадан айрилиб
чиқиси билан Оқтўқни оёқла-
ри остига олди. Бўри буни сез-
май қолди. У хар доим соядай ке-

тирмасди ҳам.

Чиноқнинг йўли бу тарафга солиши ҳам
Кўкбўридан фойдаланиш эди. У ўйлардики, ав-
вало Лома бу ёқларга келмайди, келганда ҳам
Кўкбўри уни тирик қўймадлиги аниқ. У Ломани
ажал оғзига ҳайдаб бораман деб ўйларди.

Ломанинг қўзига хозир ҳеч нима кўриммас, фа-
қат ўлжасига ўтишинига ўйларди.
Чиноқ эса негадир тулғига ўшаб йўли чап
солиб-чап солиб югурарди. Гоҳ ўнга,
гоҳ чапга қўққисдан бурилиб қолар,
Лома ўзини ўнглагунча айна йўли бо-
сиб қўярди.

Шунда ақингинадан Кўкбўрининг узиб-узиб
улагани эшитилди. Бу овозни эшитиш Чиноққа
ҳам Ломага ҳам қанчалар дахшат. Хай-хай-хай!
Ломанинг танига енгил титроқ кирди, бироз се-
кинланди.

Бу овозни танимай, унутиб бўладими? Аммо
бўрибосар Лома яна Чиноқнинг изидан тезлаб
кетди. У таъкиби тўхтатмади, Чиноқ қочишини.
Унинг ўйнақлаб югуриши Ломанинг баттар қони-
ни қайнатар, ғазабини оширарди. Аммо энди
ораси тобора узоқлашиб боради. Хар қадамда
қари Кўкбўрига дуч келишни ўйлаб тайсалланиб
қадам босарди. Шу пайт узоқдан ўқ овози эши-
тилди. Демак чўпонлар ҳам йўлга чиққан. Улар
ҳализаман етиб келишади. Лома жонланди, қада-
мини тезлади, қўрқув бироз чекинди. Панжалари
ерга чуқурроқ ботар, тирноқлари хар қадам-
да намчил тупроқни кўчириб юборарди.
Чиноқ худди Лома етиб келгандек, думини
аввалгига ҳаволатиб, кейин орқа оёқлари ораси-
га қисди. Лома бу гал адашмаслиги керак.
Бўрининг орқа оёқлари лапанглаб тумшуги
олдида йўноқларди. Ҳозир қўлайдиган усу-
лини яхшилаб амалга оширса, Чиноқ оёқла-
ри остида бўлади. Акс ҳолда ўзининг оғир-
лигини назорат қилолмай йиқилиши ҳеч гап-
мас. Яна бир қадамдан кейин Чиноқнинг орқа
ярагини бир томонлама зарба бериш керак.

Лома худди шундай қилди. Бақувват олд оёқла-
ри билан Чиноқнинг чап ярагини зарба берди.
Бўри эса бир гинғишб мувозанатини йўқотди.
Лома бахайбат гавдаси билан уни бутунлай йи-
қитиб тушди. Бу шунчалик тез содир бўлдики,
энди Лома Чиноқнинг оёқлари остида ётарди.
Чиноқ пайтдан фойдаланиб олдинга илгариллади,
аммо оёқлари оғирлашди, бўйиндан пастга ни-
мадир тортаётгандек бўлди. Бу Ломанинг бақув-
ват жағлари эди. Лома қўзлаган жойидан ушла-
гани учун қимир этмай ётган ҳолида Чиноқнинг
ҳолдан тойшини кутарди. Бир муддатдан кейин
Чиноқ итнинг устига йиқилди, аммо бефойда ти-
пирчилар эди. Ит туриб, чўнкайиб ўтирди. Олд
оёқларини ялади, югурганида терлаган бурунла-
ри устига ёпишган Чиноқнинг жуларини ялаб
туширди. Оёғида негадир оғриқ туйди. Бир-икки
қадам ташлади-да, ҳолсизланиб узала тушиб ётиб
олди. Кейин бу ердан тезроқ кетиш учун Шай-
тондара бўйлаб илдамлади. Унинг йўли унам-
сди. Оёғидаги оғриқ борган сари кучайиб бутун
танига ёйилгандай бўлаверди.

Бўри итдан қўрқмайди, у одам қўлидаги мил-
тиқдан қўрқди. Кўкбўри даранинг нишаб ери-
ди тегаша чиқиб, Ломанинг йўлини кесиб чиқ-
ди. У одатдагидай ирилламади, акилламади, Ло-
мани хотиржам қутиб турди. Итлар билан оли-
шувда қари жондор кўзларини Ломага тикиб,
оёқларини кенг ёйиб, елка жуларини хурпай-
тириб турарди. Қадам товушлари эшитилди.
Лома ириллашини қўймай бўйини елкалари
орасига олиб кадамини секинлатди. Бўри ҳам
тишларини иржайтириб, ириллаб ҳамлага шай-
ланди. Лома хужумни кутди. Лекин ҳадеганда
Кўкбўридан ҳамла бўлавермади. Бир неча вақт
шундай туриб, сўнг икки-уч қадам олға юрди, ваҳ-

вах шунда вазиет келди. Бир умр қутилган вази-
ят. Улар фақат мана шу бутунни қуттишди асли.
Шу бутун қачондир келишини, иккала жувонмард
ҳам бирига-бир қолишларини юрак-юракдан бил-
либ юришди. Мана ўша вазиет. Мана Боботў-
даги тўрт оёқнинг икки зўри дуч келди. Лома
орқа оёқларига чўнкайиб, худди майдонтошда-
гидек ўтирди. Бошларини сарак-сарак қилиб,
худди ўзига келиб олмоқчидай ликиллади. Тум-
шугини олдинга қўзди, ҳавони ҳид-
лади, ўша таниш хид. Бўри бўрилиги-
ни қилди, ит итлигини қилди энди.
Афсуски, шундай олишув гувоҳисиди.

Чиноқ бурйидай ҳамла қилди, Лома итдай
ҳимояланди. Кўзлар-кўзларга тўқнаш келди.
Кўкбўри хайқириб, ўқириб тикка келди, Лома ҳам
одатдагидай унга чап бермади, айёрлик қилма-
ди, тўғри келди. Иккаласи ҳам орқа оёқларида
тик туришди, олд оёқлари билан гоҳ ўнг, гоҳ чап
томондан бир-бирларининг юзларига, бўйинла-
рига зарбалар беришарди. Кўкбўрининг чап томон-
дан олд оёқлари тирноғи Ломанинг лунжини
ийртиб ўтди. Лома Кўкбўрининг бўғизига тишлар-
ини ботириди. Энди бақувват жағлар жангга
кирди. Улар бир-бирини аямай талар, тишлаш
билан баравар оёқларини олдинга сермаб-сер-
маб олишарди. Лома Кўкбўрининг чап

“Олтин гепард” халқаро Тошкент кинофоруми пойтахтимизда маданий ҳаётига кўпгина янги гоа ва кутилмаган кашфиётлар ҳақида эди. Айни вақтда мазкур тадбир ўзбекистон кино санъати катта тарихига ва ёрқин келажакка эга эканини, кўплаб таниқли ва иқтидорли кинематограф усталарига бойлигини ҳам намойён қилди. Кинофорумда намойиш этилган барча филмларни қараб олиш қийин бўлгани боис, ўзимиз шахсан танишган анимацион ва қисқа метражли филмларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Жанубий корейлик ижодкор Юн Йи Сукнинг “Қайлигим бўл” анимацион картинаси биринчи навбатда чуқур фалсафаси билан диққатни тортади. Унда қаҳрамоннинг бир неча даврларга бўлиган ҳаёти баён қилиниб, ўсмирликдан кексалик пайтигача авайлаб-асраб келган севгиси ҳақида ҳикоя қилинади.

Дастлаб экранда тортинчоқ ва қовушимсиз ўсмирни кўраемиз. Бир неча йилдан сўнг севгилисига гул тақдим қилиб, рад жавоби олган янада тортинчоқроқ йигитча пайдо бўлади. Ҳатто улуг ёшида ҳам аллақачон турмуш қуриб кетган бола-чақали аёл — ўша бир вақтлар юрагидан урган қиздан кўнгил узоқмайди ва қачондир бирга бўлишларидан умидвор бўлиб яшайди.

Қариган чоғида кўчада севгилисига дуч келган бу одам мўъжиза рўй беришини кутади. Бирок бундай бўлмайди: аёл унинг ёнидан бепарво ўтиб кетади. Филм қаҳрамони курашсиз таслим бўлишни хохламайди ва севгисини ўзига эътибор беришга мажбур қилади. Аёл у томонга ўгирилади ва... чиндан мўъжиза юз беради. Унинг бир вақтлардаги ошигини таниган аёл унинг қучоғига отилади. Узоқ кўтилган орзу амалга ошади.

Картина беш дақиқадан ортиқ давом этмайди, шу вақт ичиде экранда ниҳоятда ажойиб мусиқа янграб туради. Ана шу мусиқа филмга бекибс эмоционал инфовийлик бахш этган.

Жек Ши (Хитой Тайпейи)нинг “Эзгу орзу” мультфильмида оддий инсоний ҳаётга ноодатий ва ёрқин муносабат яққол кўзга ташланади. Кундалик ишлар, доимий бандлик, бошқалардан яхши бўлишга интилиш — шу каби ташвишлар орасида биз ҳаётимиздаги асосий нарсани — оддий инсоний бахтни унутиб қўямиз.

Асарда режиссёр нигоҳининг ўткирлиги, зийраклиги томошабинни хайратга солади. Ёш қизча эрталабдан мактабга шовади, ўқишдан кейин махсус кўшимча машғулотларга боради, уйга фақат соат саккизда қайтади. Хар кун шундай ўтади. Қизча ниҳоятда одобли, намунали ўқувчи, лекин ўз хоҳишига кўра эмас, ота-онаси шуну хошлашади. Боланинг кичкина қалби эса оддий эркинликка ташна.

Охири-оқибат қизчанинг истак ва бурчлари ўртасидаги қарама-қаршилик саргузаштларга бой фантазиялар оламида ўз ечимини топади. Бир кун ухлаб қолиб, мактаб автобу-

дейиш ҳам мумкин. Филм қаҳрамони энг катта кашфиёт ҳам жонли мулоқот ва инсоний меҳр-муҳаббат ўрнини боса олмаслигини тушуниб етди. Поляк режиссёри Ками Полакнинг махсус диплом билан тақдирланган “Йўқотилган Свитязь шаҳри” картинаси гаройиб ечим ва ўзига хос режиссураси билан ажралиб туради. Мусиқий композиция асарнинг умумий руҳига, характери ва моҳиятига мос танланган.

Ўзбек аниматори Дмитрий Власов филмлари аллақачон халқаро эътирофга сазовор бўлган. Халқаро кинофорумда режиссёрнинг “Оқ товук” фильми махсус диплом билан тақдирланди. Чуқур фалсафий мазмунга эга бу картина ёлғизлик, ўзаро боғлиқлик ва дўстлик, экология ва атроф-муҳит

дамовнинг “Назар” картинаси ҳам бўлиги қувонарлидир. Мазкур филм умид ҳақида. Ҳаётга интилиб яшаш, ҳар қандай вазиятда ҳам тушунликка тушмаслик, доимо келажакка эзгу назар билан қарашга қорлайди.

Эронлик Шахрам Мокри бугун эрон кинематографиясида кузатилаётган янгича ечимлар, ўзига хос, ҳали ҳеч қерда учрамаган тасвирий воситалар излаб топишга бўлган интилишларни намойён этади. Унинг энг яхши қисқа метражли филм сифатида “Олтин гепард” билан тақдирланган “Хом, пиширилган, қуйдирилган” фильми мураккаб кадрлар маҳорат билан тасвирга туширилгани ҳамда қийин монтаж усулидан фойдаланилгани билан мухлислар ва ҳайъат эътиборини қозонди.

Анимацион ва қисқа метражли филмлар орасида совриндорлар кўпчилигини назарда тутадиган бўлсак, бугун бу соҳаларда жиддий изланишлар жараёни кечаётгани, ёш иқтидорли ижодкорлар сафи кенгайиб, улар фаолиятида янгиликка, ўзига хосликка интилиш кучайиб бораётгани кўзга ташланади.

Умуман олганда, кинофорум давомида мухлислар турли санъат мактабларига мансуб ижодкорларнинг ранг-баранг филмлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Анжуманнинг инсоният тақдирини туйғур фалсафаси шиори остида ўтгани бежиз эмас. Зеро, ҳар бир ленин инсон руҳиятини, унинг атрофидигилар билан ўзаро муносабатлари моҳиятини очишга хизмат қилади.

“Олтин гепард” халқаро Тошкент кинофоруми ўзбекистон миллий кинематографиясининг бойишида ва янада такомиллашишида ҳам муҳим омили бўлди. Мазкур анжуман доираси йилдан-йилга кенгайиб, ўз атрофига жаҳон кино санъати намояндаларини тобора жипслаштириб бораверади, деб ишонамиз.

Элеонора ҒАНИЕВА

“ЎЗБЕКФИЛМ” ЯНГИДИКЛАРИ

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги фаолиятига доир ҳужжатларда давлат буюртмаси асосида ҳар йили 15 та тўла метражли бадиий филм суратга олиш кўзда тутилган. Айни кунларда кино суратга олиш майдонларида “ҳаёт қайнамоқда”. Ранг-баранг манзаралар фониде турли филмларнинг жўшқин лавҳалари суратга олинмоқда. Улар жонли табиат кўйида тасвирга туширилган сюжетларни янада тереинлаштирилади.

Яқинда Бадиий кенгаш аъзолари режиссёр Ҳамидулла Ҳасанов суратга олган “Учар отлар” картинасини кўриклан ўтказишди. Киномухлисларга яхши таниш, кўплаб халқаро фестиваллар совриндори Ёлқин Тўйчиевнинг “Афгон” деб номланган муаллифлик фильми ҳам тақдимотга тайёр. Асарда нотинч Афгон юртининг муаммолари ҳақида тасвирчан ҳикоя қилинади.

Мамлакатимиз тарихидаги шонли саналар ҳам кино ижодкорлари эътибордан четда эмас. Режиссёр Жасур Исҳоқовнинг “Ҳақиқат кунин” картинаси мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган. Ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги “Жасур” филмида (сценарий муаллифлари Фахриддин Низом ва Жаҳонгир Қосимов, постановка режиссёр Баҳодир Одилов) Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафарларида мард йигитларимиз ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

“Қорақалпоқфилм” студиясининг бадиий филмлар яратиш йўлидаги илк қадамлари самарали бўлмоқда. Ижодкорлар “Баҳор қалдирғочлари” ҳамда халқ бахшисининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Эшжон бахши” тўла метражли филмларни суратга олиб бўлдилар.

Иқтидорли кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддинов суратга олаётган “Паризод” картинаси (сценарий муаллифи Эркин Аъзам) ҳам ўз мухлисларини топади, деб ўйлаймиз. “Ёзсиз йил” (“Ўзбекфилм” киностудияси), “Муқаддас бурч” (“Ватан” киностудияси), “Бахт уйи” (“Илк филм” МЧЖ), “Умид” (“Қаравайн” МЧЖ) сингари асарлар ҳам тез орада мухлислар эътиборига ҳавола этилади.

Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Сўнги йилларда юртимизда театр ва кино санъатига бағишланган илмий-назарий анжуманлар ўтказиш, мазкур соҳаларга оид изланишлар, ютуқ ва муаммоларни таҳлил этиш, истиқболга тааллуқли вазифаларни белгилаб олиш яхши анъанага айланади.

Кунинг кеча Ўзбекистон давлат санъат институтида “Режиссура муаммолари” мавзусида II республика илмий семинари бўлиб ўтди. Семинар давомида “Болалар театрининг режиссураси”, “Кўнрақ театри ривожини янада кучайтириш”, “Режиссёрлик таълими замонавий босқичда” каби бир қанча долзарб мавзудаги мазмунли тингланди. Маъруза юзасидан кечган музокараларда Санъат институти профессор ва мураббийлари қаторида Шухрат Аббосов, Наби Абдураҳмонов, Александр Гамиров каби таниқли театр ва кино намояндалари ҳам иштирок этиди.

Шунингдек тадбир доирасида “Режиссёрлар экспериментал театри”ни ташкил қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Анжуман якунида мутахассислар ва ижодкорлар томонидан ўртага ташланган таклифлар муҳокама қилиниб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дониёр ШОКИРОВ

ИНСОНИЙ ТУЙҒУДЛАР ТАДҚИНИ

сига кеч қолган қизча бахтиёр болаларнинг сеҳрли мамлакатига тушиб қолиб, ўзи учун янги кашфиётлар оламини очди.

Картина моҳиятан оддий ҳақиқатни намойён этади: баъзан кундалик ташвиш юкларидан халос бўлиб, эркин ва бахтиёр одам бўлишга ҳаракат қилиш ҳам керак.

Хар бир анимацион филм муаллифи дунёни ўзича кўради ва ўз билганича тасвирлайди. Болгариялик режиссёр Недельчевнинг “Мерси” картинаси қаҳрамон кўчада охишта сайр қилиб юрган ёлғиз қария. Унинг нигоҳи бирдан баън чалаётган созандага тушиб қолади. Таниш оҳанг садолари бахтли болалик хотираларини ёдга солади.

Қаҳрамон билан бирга унинг умр йўлини кузатишга муваффақ бўламиз. XX асрнинг қарама-қаршиликларга тўла, машаққатли, турли синовлардан иборат ҳаёти унинг иродасини синдира олмайди. Андрей Шушковнинг “Севги иктироси” фильми замирида “Сунъий интеллект ёки механик ускуна инсон ўрнини боса оладими?” деган катта муаммо синдирилган. Шу билан бирга асарда аёл ва эркак муносабатлари мавзуси кўтарилди. Мазкур филмни фожиали яқун тоғувчи гамгин тарих қиссаси

муҳофазасига, ҳаддан ташқари шаҳарлашиб кетиш ва охири-оқибат ўзликка қайтиш каби масалаларни очишга қаратилган. Шуниси фалатики, асарда товук одамнинг дўсти сифатида тасвирга олинади. Ваҳланики, товукка шу вақтгача бундай назар билан қаралмаганди. Филмда эса оқ товук алоҳида уй ҳайвони сифатида, ҳатто ундан ҳам юқори — дўст сифатида намойён бўлади. Товуқнинг фижоли ўлими филмнинг кульминацион нуқтасини ташкил этади. Режиссёр мазкур картина орқали инсон руҳиятини тадқиқ этишга, унинг атроф-муҳитга муносабатини кўрсатишга ҳаракат қилади.

“Олтин гепард” кинофоруми дастурида ўн олти қисқа метражли филм намойиш этилди. Бу асарларнинг ҳар бири алоҳида таҳлилга лойиқ. Биз уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Болгариялик режиссёр Нешка Караджинскининг “Ломбард” фильми томошабинни ўйлашга йўналтирилган, асарлар сирасига қиради. Уни кўрган томошабин келиб чиққан саволларга ўзи жавоб топиши керак бўлади. Кристина Чоунинг (АҚШ) “Оқим” лентаси оптимистик руҳи билан томошабинни ўзига тортади. Ўзбекистон вакили Ҳусан Солиҳовнинг “Анор” филмида ўтмиш манзаралари жонланади. Таниқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор эртаги мотивлари асосида суратга олинган бу картинани томошабинлар алоҳида қизиқиш ва олқиш билан қутиб олдилар. Режиссура жиҳатдан кўчи қилин-

дирига мардоналик билан кириб келади.

Айнан шу саҳнада она-ўғилнинг кескин баҳси туфайли уларнинг қўёфалари очик-ойдин намойён бўлади. Томошабинни ларзага соладиган саҳна ҳам айнан она-ўғилнинг аёвсиз мунозарасидир. Шаҳарни ишғол этиш арафасида турган нуқсўр ўғилни она яна юпатмоқчи, қалбида эзгулик уйротмоқчи бўлади:

Тадқиқ ва таҳлил

Она мавзуси ҳамиша долзарб, ҳамиша барҳаёт. Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Theatr.UZ—2011» II халқаро театр фестивалида Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри драматурги Шухрат Ризаев қисқа мансуб “Она” спектаклини намойиш этиди. Бу асар фестивалнинг энг яхши спектакллари билан бири сифатида баҳоланди.

Жаҳон адабиёти оҳангларида ёзилган ушбу драматик ривоят икки парадан иборат бўлиб, онанинг жасорати, меҳр-муҳаббати, иродаси ҳақида ҳикоя қилади. Онанинг меҳри билан қаҳри ёнма-ён туриши турфа воқеалар, ёрқин саҳналар орқали очиб берилган. Драмани театрининг бош режиссёри, Ўзбекистон санъат арбоби Мансур Равшанов саҳналаштирган. Рассом Баҳодир Аллаёров драма руҳига мос саҳна безакларини танлаган.

Она образини Ўзбекистон халқ артисти Гулнора Равшанова маҳорат билан ижро этган. Бу рол актриса ижросидаги ёрқин ва ўзига хос образлардан бири бўлган, десак янглишмаймиз.

Спектакл жараёнида замондошлар (актёрлар — Йўлдош Мирқурбонов, Бозор Рамаонов, Марат Шарипов, Расул Раҳматов, Аббос Жумаев)нинг олам, одам ва она ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, яъни томошабин билан мулоқотлари асар моҳиятини очишда, она образини теран тушунишда муҳим ўрин тутди. Шунингдек, оналар (актёрлар — Доно Юнусалиева, Насиба Қораева, Гавҳар Аралова, София Самадова, Насиба Бобоназарова) образлари орқали драма воқеалари ривожланиб боради. Улар асосий қаҳрамон Онанинг гоҳ қувончларига шерик бўлсалар, гоҳ у билан бирга қайғурдилар.

Она юрдаги боққинчилик туфайли йўқолган боласини узоқ излайди. Болани тополмагач, адолатпеша Ҳоқон (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳамид Орипов) ҳузурига келиб, боласини топиб беришни сўрайди.

Ҳоқон «Кимки бор, барига султонлик сўзим, излангиз, топингиз, бу жасур аёлнинг ўғлини», деб фармон беради. Онанинг яққаю ёлғиз ўғли (актёр Фарҳод Болтаев) топилади. Фарзанди характери онаси билан қуришадиган саҳнада ёрқин намойён бўлади. Она боласи топиладиган бениҳоя хурсанд. Унинг ота-бобоси каби ҳалол меҳнат қилиб, балиқчи бўлишини, эл-юртта фойдаси тегишини истади. Лекин онанинг бу яхши нияти ўғлига ёқмайди. Ўғли дунёни маҳв этиш, уни қурол билан эгаллаб, одамларни қилиб билан бўйсундириш васвасига тушиб қолади.

Спектаклда она-бола мулоқоти шиддатли тус олиб, саҳнама-саҳна ривожланиб боради. Ўғли шаҳарга лашкар тортиб келади. Йўлида учратган тирик жон борки, ҳаммасини қиличдан ўтказди. Бу дахшатли воқеадан хабар топган она қалъа дарвозаси олдидаги ясовуллар олдида келиб фарёд қилади:

Эй, савоб тоғурлар, Удиринг мени!
Хиёнаткор ўғил туққан она азоби,
Ташна-ю маломат ўзимдан қаттиқ...
Онаман мен, фарзандим — бағрим,
Уни душман қилиб туққан менман-ку!

Она ясовулнинг «Хоним, ўғлингиз Сизга ҳам ачинмас сира, демакки, шафқат ҳам қилмағай асло», дейишига қарамай ўғлининг муҳташам чо-

ОНА НИДОСИ



Ўвуз шухратинга ҳайкал қўймоқчимсан?
Кийфанг гўзалу қалбинг бунча тош қотган?
Уйнаб туриб, ўлдирмоқлик одадинг бўпти!

Онанинг илтижолари, ялиниб-ёлворилари ўғилнинг тош юрагини заррача ҳам юмшатайди. Аксинча, ўғли кутургандан кутурлади:

Она, бехуда дийдиб кўнглим юмшатмас,
Денгиз эмас, қонлар кечиб етгун максалда,
Чунки менга бош элмаган дўшмандинг бешак...

Шу уринда Ўғил родини маҳорат билан ўйнаган иқтидорли актёр Фарҳод Болтаев ижросига тўхталиб ўтишни лозим топдик. У ўзига берилган родини шунчаки ўйнамади, балки шу рол билан саҳнада яшайди. Ф.Болтаев яратган шафқатсиз, меҳригаш ёвуз ўғил образи табиий ижроси билан томошабин олқишини сазовор бўлди. Чунки унинг ёнида қуратилган, мардона она образини яратган таниқли санъаткор Гулнора Равшанова турибди. Она улуг меҳри билан Ўғилнинг шафқатсиз қалбини юмшатишга ҳаракат қилади. Уни ёвузлик йўлидан қайтаришга уриниб кўради. Афсуски, мулоқот жараёнида тошбағир, кўзлари қонга тўлган ўғлини боққинчилик

ва разиллик ниятидан қайтаролмаслигига кўзи етгач, ўз қўлини қонга ботиради. У ўғлига:

Бери кел, ўғлим! Жула чарчабсан,
Болалик дамларинг эслаб кўксимга
Бошинг қўй, кўзинг юм, ором ол бир зум! —

деб ёнига қорлайди. Гуё оналик меҳрини бериб, ўғилнинг сочларини силайди, алла айтди. Ўғил эса она тиззасида уйқуга кетади. Шунда унинг ёнидаги ханжарни олиб, баттол фарзанднинг тош қотган юрагига санчалади. Сўнг эса «Лаянатларга кўмдим она номини», дея афсус-надомат чекади, ўзини нафратлайди. Бирок эл учун, Ватан учун, норасида гўдакларнинг тўқилмаган қони учун малъун сотқинни қатл этганидан пушаймон бўлмайди. “Ахир фуқаро-ман она Ватанга, демакки, фарзандлик бурчим бажардим”, — дейди она мардона.

Спектакл сўнгида Она бутун вужуди билан кўнғирок чалади. Унинг кўнғирогона спектаклдаги барча оналар қўшилдилар. Ва бу оналарнинг инсониятни оғоҳлантирувчи бонги бўлиб янгради. Оналар бу бонг орқали дунё халқларини терроризм балосидан оғоҳ этмоқда. Бугун ер юзининг турли бурчақларида терроризм офатидан озор чекаётган минглаб оналар, болалар фарёди спектаклнинг асосий мазмун-моҳиятига сингиб кетган. Айниқса, саҳна ортида ер шарининг айланиб турган тасвири ва бу тасвирларда терроризм инсоният бошига ёдираётган қонли воқеаларнинг саҳна воқеаларига мослаб намойён бўлиб туриши асар руҳини кучайтирган.

Ушбу янги спектаклни таниқли режиссёр Мансур Равшановнинг навбатдаги ижодий ютуғи, деб баҳолаш мумкин. У саҳнада яхлит актёрлар ансамблини ярата олган. Кичик эпизоддан асосий саҳна кўринишларига режиссёр нигоҳидан четда қолмаган. Спектаклда Раҳнамо (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қудрат Бурхонов) ва шoir (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Чоршанба Чориев) образлари ҳам томошабинлар томонидан самимий кутиб олинди.

Оқ шешъ йўлида ёзилган “Она” драмаси Шухрат Ризаев ижодида янгилик бўлиб, муаллифнинг жиддий изланишлари яхши самаралар берган. Асар руҳини шешърий услубда баён этишда воқеалар тизимини бир метёрда кўрсатиш осон эмас. Лекин муаллиф бунга эришган. У оналарнинг умумлашма, тиниқ образини яратишга муваффақ бўлган.

Спектакл айрим камчиликлардан ҳоли эмас. Баъзи саҳналарда Замондошлар (драмада роивлар деб берилган) мулоқотни чўзиб юборгандай таассурот қолдиради. Уларни қисқартирса бўлади. Шунингдек, спектакл якунини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Бу ҳақда муҳокама жараёнида мутахассислар, ижодкорлар фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Булар спектаклнинг намойиш этиш жараёнида тузатса бўладиган жузъий камчиликлар.

Энг муҳими, драматург ва режиссёрнинг янги саҳна асари билан, актёрларини ажойиб образлари билан, томошабинларни эса театр репертуаридан мустақкам ўрин олган спектакл билан кутлаймиз.

Ашурали ЖўРАЕВ

“КАРВОНИМ — ЙЎЛИ РАВОНИМ”

Ўзбек Миллий академик драма театри шoir ва драматург Ҳайдар Мухаммад қаламига мансуб “Карвоним — йўли равоним” эртак-пиеасини саҳналаштириб томошабинларга ҳавола этди.

Режиссёр Баҳодир Жўраев асарга ижодий ёндашиб, томошабин меҳрини қозонадиган спектакл яратишга эришган. Асарда яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги азалий кураш мавзуси кўтарилган. Бош қаҳрамон — ҳалол ва мард йигит Нодир образини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артисти

Фатхулло Мамдулов, одил ва халқларвар Сарбон образини Ўзбекистон халқ артисти Рихсией Авазов, меҳрибон Энага образини Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова, бош ва зир образини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қаҳрамон Саъдуллаев яратган, шунингдек, Ҳилола Тошмуҳаммадова, Ўткир Менглиев, Асадулла Набиев, Даврон Каримов, Собиржон Отажонов, Толиб Мўминов каби иқтидорли актёрлар ҳам ўзларига топширилган ролларни маҳорат билан ижро этишган.

Таниқли рассом Б.Тўраев эртак табиатидаги мос саҳна безакларига бой муҳит яратган.

Спектакл гарчи эртак воқеалари асосида яратилган бўлса-да, ёшлар онига ҳалоллик, тўғрилик, мардлик каби инсоний туйғуларни синдиришга хизмат қилади.

Э.УРИНОВ

АЛЛА ФЕСТИВАЛИ

Республика Байналмилал маданият марказида алла ижроичилари фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда ижодий ва жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этди.

Она алласи ҳар бир миллат тилида ўзига хос янграйди. Юртимизда яшаётган бир юз ўлтздан ортиқ миллат ва элат вакилларининг маънавий мероси ва халқ ижодиётини асраш, уларни тарғиб қилиш ва янада ривожлантириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Айнан шу жиҳатлар алла фестивалида яна бир бор ўз ифодасини топди.

— “Аёллар маънавияти — баркамол аёллар тарбиясининг муҳим омили” шиори остида ўтказилган бу тадбир юртимизда тинчлик ва тотувликда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг аёнана ва урф-одатлари, бебаҳо маънавий қадриятларини асраб-авайлашга қаратилган, — дейди марказ раҳбари Насриддин Мухаммадиев. — Ҳар бир халқнинг алла қўшиқларида ягона жиҳат — фарзандга меҳр кўрсатиш орқали баркамол шахсини воғга етказишдек эзгу мақсад мужассам.

Азима КИЁСОВА,
“Туркистон-пресс”

Маданий ҳаёт

Ўзбекистон давлат кансерваториясида муҳир санъаткор, халқ хофиз Мухаммадхон Каримов хотирасига бағишланган “Назм ва наво” кечаси бўлиб ўтди. Машраб Эрматов, Махмудхон Тожиев, Матрасул Матқубов, Мухаммадхон Хотамов каби таниқли ижодкорлар иштирокида ўтган тадбирда Мискин, Мушқин ҳамда уларнинг шоғирдлари қаламига мансуб фазалар, мухаммас ва маснавийлар янгради. Шунингдек, ўзбек мусиқа санъати ривожига катта ҳисса қўшган устоз хофизлар ёдга олиниб, уларнинг ижодий меросларидан намуналар кўйилди.

Кечада Мушқин Тошкандийнинг асарлари жамланган янги “Меҳригёй” тўпламининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Зебо НАБИЕВА

ЭЛНИ ДЕГИН, ЭЛ КЎТАРСИН ШОНИНГНИ



Жамил НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Халқнинг маънавий қадриятлари, бадиий-эстетик ҳазиналари юрт қаҳрамонлари камолоти учун, юрт шаънини улугловчи паҳлавонлар, номдор фарзандлари учун мангу маъқдир, гурур ва шаън тисмолидир. Ўзбекининг ҳар бир болакайи ўз-ўзича Алломиш, ҳар сулув қизалоғи эса кўзгуга боқиб ундан Барчинони излайди. Юраклар тубида Ватан рамзи, садоқат, қаҳрамонлик, орномус тисмоли шу зайл илдиз отади, камолга етади.

Халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган Амир Темур, Ал Ҳаким ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Паҳлавон Маҳмуд сингари улуг аждодлар шарафига бағишлаб миллий кураш бўйича ўтказиб келинаётган халқаро мусобақалар замирида ҳам худди шундай улуг мақсадлар мужасам. Шу йил 23 октябр куни поёнига етган Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Х халқаро турнирда мутлоқ чемпион бўлган юртдошимиз Абдулла Тангриевнинг галабаси эса меннинг ва сизнинг галабанингиздир. Мана шу юртдошимизнинг куни кеча Тюмен (Россия) шаҳрида мутлоқ жаҳон чемпиони сифатида қўлга киритган олтин медали ҳам юрт фарзандлари учун худди шундай шараф рамзи.

Кўнглилар тубидаги Алломиш отлиг мангу маъқ Ватан шавкатини янада юксалтириверади. Бутун бир халқнинг яқдиллиги, муштараклиги ифодаси бўлган саналар, воқеалар ҳамisha ҳам рўй беравермайди.

Эрталаб уйдан кайфиятсиз, руҳсиз чиққан киши ўз уйи, бирор фарзанднинг ютуғи ёки бир қизиқ тапини айтиб ҳамкасбига гурун беролмайди. Унинг, табиийки, иши ҳам уммайди. Бу одамнинг кўксига гурур ва ифтихор туйғулари инсон табиатига мувофиқ тарзда нобуд бўлавермади. Ифтихорсиз, фахру гурурсиз қўнғилда орзу бург ёзмайди. Орзу-умидсиз умрнинг мазмуни бўлмайди. Бу қиёси бутун миллат, халқ ҳаётига, кечмишига қиёс этар бўлса, масала янада теранлашади.

Ўзбек халқининг эса айна шу маънода жаҳонро миқдосда яловий сарбаланддир. Фахр этса, урганиб

дунёга кўз-кўзласа арзигулик шонли тарих, бетимсол маънавий ва маданий мерос, жаннатнинг бир бўлагидек бағрикенг замин ва юрт шарафини кўкларга кўтариб, бобомерос ор-номусни баланд тутган жумард фарзандлар... Қолаверса, асрлар орзуси бўлган озоликнинг, мустақилликнинг шарафи...

Осиё футбол конфедерациясининг нуфузли кубоги учун бутун қитъа бўйича энг кучли футбол клублари ўртасидаги финалда финалга етиб келган Кувайтнинг "Ал-Кувейт" ҳамда Қаршиннинг "Насаф" жамоалари ўртасидаги баҳс кимни бефарқ қолдиргани йўқ. Унингтеграсидаги йигирма минг чоғли томошабиннинг, Ўзбекистон бўйлаб миллионлаб мухлисларнинг гувоҳлигидаги бу тарихий учрашув ўзбек футбол учун янги бир давр бошланганини ифода этувчи шонли галаба билан якун топди. "Насаф" жамоаси Кувайтнинг ўн карра чемпиони бўлган гуруҳни мағлуб этди. Албатта, бу галаба ўз-ўзидан амалга ошгани йўқ. "Насаф"нинг бутун Осиёда энг кучли жамоалардан бири экани ҳақида ўйлаганимизда беихтиёр мазкур галабанинг таъзимини — спорт соҳасидаги янгиланишлар жараёнини кўз олдимизга келтирамиз.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг Президентимиз раҳнамолигида мамлакатда спортни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишхотларнинг яна бир ёрқин самарасидир бу зафар. Қолаверса, Қашқадарё вилоятида спортнинг барча турига, айниқса футболга бўлган эътибор натижасидир. Бежиз, рағбат бор жойда ҳикмат бор, дейилмаган.

Ўйин сўнида кекса бир отахон миннатдорлик рамзи сифатида "Насаф" бош мураббийси Анатолий Демяненко елкасига миллий одадимизга кўра тўн ёпди, дўппи кийдирди. Бундай эъзоз, бу каби очиқ кўнглилиги бу каби ўзбекна мухлислик яна қай юртда бор? Бунинг учун нафақат улкан галаба шуқуҳи, балки вужудда тантилиқ, орият гулуриб турган ўзбекна руҳият керак. Фақат ўзбеккина мезобнио меҳмонига, рақибу ёронига шундай очиқ юз билан самимият билдира олади.

Шодмонкул САЎЛОМ

Сангир бобо саксонни қорала-япти. Хали тетик. Тинмайди. Хали молга қарайди, хали томорқада куймаланади, хали бог оралайди. Кампир:

Бада

— Уйга кириб, кун ўтиб кетади. Болаларингиз битириб кўяр ўша ишни, — деса ҳам қўлоқ солмайди.

— Э, шўям ишми? Нимаси иш шунинг? Бутун бир элнинг оғирини енгил қиладиган ишни иш деса бўлади, — деб жавоб беради.

Бугун ҳам одатдагидек кун боти. Бобо кечки овқатдан сўнг фарзандлари, неваралари даврасида бироз гурун қилди-да, кейин телевизор қаршисига ўтирди. Телевизорда дунё полволлари орасида ўзбек курашчиларининг яна қўли баланд келгани хабар қилинди. "Эҳ, қандай замонлар келди-я! Қани, энди, ёш бўлиб қолсам. Шу йигитлардай бир иш кўрсатардим. Эҳ, ёшлигим!" деб ўйлади бобо. Шу пайт ичидан бир овоз келди:

— Шу ёшда ҳам иш кўрсатиш мумкин.

— Қандай қилиб?

— Масалан, кўча-қўйда катта-кичикка биринчи бўлиб салом беришга интилиб.

— Тўғри-тўғри, бу жудаям осон. Буни катта иш деса бўлармикан?

— Йўқ, бу жуда қийин иш. Катта иш деса бўлади.

— Унда буни уддалайман. Эртагаёқ киришман.

Ичидаги Сангир давом этди: — Инанкейин барча юртдошларимга "ботирим", деб мурожаат қилгин.

— Ботирим! Қандай ёқимли сўз. Мени биров шундай атаса, кўнглим тоғдай кўтарилиб, янада яхши ишларга чоғланардим.

— Ана, кўрдингми, бутун ўзбеклар, барча ўзбекистонликлар бир-бирларига шундай меҳрибон бўлишса, буоқ, енгилмас кўчга айланишарди.

— Яхши, бу жуда осон.

— Ховлиқма, бу ҳам жуда қийин иш. Қаршинда турган одамга қараб, ўзининг бир синиб кўр-чи?

— Ҳа, қийин экан. Лекин мен уддалайман. Ҳаммаси шуми?

Бўлдимми?
— Йўқ, яна бор.
— Хўш?..
— Бозорга, дўконга чиққанингда кўпроқ ўзимизнинг маҳсулотларни сотиб олгин.

— Сифатсиз бўлса-чи?
— Сифатлиси ҳам бор, кўп. Ана шунисини топиб олгин.

— Тўғри-тўғри, ахир, бу Ўзбекистонга қувват-ку. Биз қариялар учун ҳам иш кўрсатамиз десақ, қанча иш бор экан-а. Мен: "Эҳ,

— Э-э, эсим қурсин. Ёдимдан чиқибди. Ҳозир чиқаман.

Сангир бобо ичкарига кириб, кийиниб чиқди. Иккаласи тўйга жўнади. Тўйда одам кўп.

— Ассалому алайкум, ботирларим! — деди Сангир бобо барчага қарата.

Улар кўрсатилган жойга ўтиргач, Сулаймонга:

— Тўй қутлуг бўлсин, ботирим! — деди.

— Барчага баравар бўлсин, ботирларим! — деб жавоб қайтарди

БОР БЎДИНГ, ОТИРЛАРИМ!



тўй эгаси ҳам.

— Сангир! — деди Наим бобо. — Ўзгариб қилибсанми? Эрталабдан бун ким учраса: "ботирим", деяпсан. Мунча ёқимли сўз бу.

— Замон ўзгарди. Замонни ўзбек ботирлари ўзгартиришди. Мен ҳам ўша ботирлар қаторида бўлишни истаб қолдим, ботирим.

— Унда ўша қаторга мен ҳам қўшилиб, ботирим.

— Шундай бўлишини билардим, ботирим.

Улар тўй эгасининг ҳақиқа дуо қилиб, ўринларидан кўзгашилиди. Ҳовлидан узоклашар экан, қўлоқларига шундай хўш сўзлар чалинди:

— Келинг, келинг, ботирим!

— Қани, ичкарига марҳамат, ботирим!

— Яхши боринг, ботирим!

— Тўй-томошаларда кўришиш насиб қилиб, ботирим.

Бундай гапларни эшитган икки отахон бир-бирларига қараб, қўлимсираб қўйишди. Ҳаёлларидан: "Илоий одамлар ҳаммавақт тўйлардагидек аҳил бўлишсин", деган фикр элти элти.

Сангир бобо шу кун ичидаги Сангирнинг бошқа маслаҳатларига ҳам амал қилишга киришди.

Товбой ЭСИРГАП ўғли

ТАБИАТ ШАЙДОСИ

Табият ва инсон мавзуси ҳамisha долзарб. Севимли шoirимиз ёзганидек, дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам ёзуликдан зада кўриқхонадир.

Бугун кўриқхоналар фаолияти, ноёб жониворлар наشريётида босмадан чиққан "Алқор, нега кўзинг тўла ёш" воқеий хикоялар, эссе ва публицистик мақолалар тўплами тақдиримизга бағишланган ижодий кечада ана шундай фикрлар изхор этилди. Ўзининг мазкур анжуманда ёзувчи-шoirлар, журналистлар, жамоатчилик вакиллари, шунингдек, Бурчмулла кўриқхонаси ходимлари иштирок этди.

Ёзувчилар уюшмасининг Тошкент вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шoirи Маҳмуд Тоир ижодий кечани очар экан, бадиий адабиётда замонавийлик ва ижод масъулияти, адабларнинг фуқаролик позицияси, шунингдек, Тошкент вилояти адабий муҳитидаги янгиликлар, замонавий мавзуда яратилаётган асарлар ҳақида сўз юритди. Таниқли ёзувчи Асад Асилнинг "Алқор, нега кўзинг тўла ёш" китобининг ибратли жихатларини алоҳида таъкидлади. Ўзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шoirи Сирожиiddин Сайид, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари Сайёра Файзиёва, таниқли шoir Азим Сунон, адабиётшунос олим Аҳмадбек Алимбеков ва бошқалар истиқлол инъом этган сўз эркинлиги, ёзувчи даъваткор сўзининг аҳамияти, маънавиятни юксалтиришда бадиий адабиётнинг роли ҳақида сўзлашди.

Халқона ҳикматлар миллат маънавиятининг бебаҳо дурдоналари сифатида барча замонларда кишиларни яхши амалларга бошлаб, қалбларни эзу тилаклар билан бойитиб келади. Қадимий эрталарда, афсона, ривоят ва асотирларда халқимизнинг бой бадиий тафаккури, теран ҳаётий қузатишлари ва ҳаққоний ҳулосалари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шу босмадан ҳам ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг жаҳон халқлари тамаддунидиғи ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Бугунги глобаллашув жараёнида миллий қадриятларимиз қаторида теран халқона ҳикматларнинг, айниқса, баркамол оғзаки тарбиясида муҳим омили бўлишига шубҳа йўқ. Халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан ёшларни баҳраманд этиб бориш эса, энг долзарб вазибалар сирасидан. Шу маънода яқинда "Маънавият" нашриётида чоп этилган таниқли ёзувчи Йўлдош Муқимовнинг "Оталар сўзи ёхуд "минг маржон"дан бир маржон" рисоласи ёш авлод маънавиятини бойитишга, тасавури ва фикр доирасини кенгайтиришга хизмат қиладиган китоб бўлган. Рисолада муаллиф бевосита ўзи эшитган афсоналар, ривоятлар ва нақлларни оммабоп тилда, раван ва таъсирчан оҳангда баён қилиб берган. Уларнинг ҳар бирида халқимизга хос ҳозиржавоблик, теран мушоҳада аниқ-тиниқ ифодаланган. Айниқса, Нурмомад тилидан қизиқарли талқин этилган эрталарда поклик, софдиллик, ҳалоолик, ноз-несматларнинг қадрига етиш, аҳиллик ва иноқлик, мардлик ва ватанпарварлик фазилатлари тартиб этилди.

Китобга ёзган "Маънавиятнинг минг маржон" сарлавҳали сўзбошида профессор Тура Мирзаев таъкидлаганидек, муаллиф тўплаган афсоналар, ривоятлари, нақллари, ҳикматлари минг маржон бўлса, бу бебаҳо бойликнинг биргина қисми — бир маржонни китобхоналарга тақдим этгани, рисолаининг шундай номланишининг ўзиёқ унга қизиқлигини қунайитириши табиийдир.

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари

Товбой ЭСИРГАП ўғли

Ўз муҳбиримиз.

"ОТАЛАР СЎЗИ"

Доимий ҳамроҳ

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

Ўз муҳбиримиз.

ЎЗИДАН АСОРАТИ ОҒИР

Грипп вирусининг энг қадимги, жиловлаш қийин бўлган юқумли ёвдир. Ҳар йили "қиёфаси"ни ўзгартиргани учун унга қарши доимий иммунитет ҳосил қилиш қийин. Шу сабабли, вируслар хуружи пайти дунёнинг 15 фоиз аҳолиси гриппга чалинади. Бу йил ҳам грипп эпидемияси қўнғиллаётгани учун қарши қандай чора кўрмоқ керак?

Россиядаги грипп илмий-тектириш институти директори ўринбосари Л.Цибалованинг айтишича, бу йил қишинг ўртасида грипп эпидемияси тарқалиши мумкин экан. Бу аввалдан маълум — 2009 йилги "Калифорния А" вирусининг бўлиб, у қадар қаттиқ кечмайди. Гриппнинг "гонконг", "паранда" ва "чўққа" каби вируслари ҳақида кўп гапирилади. Умуман, грипп вирусини ўзи қаердан келиб чиққан?

— Вируслар тирикликнинг Ердаги энг қўнча шакли, деган тахмин бор, — дейди Л.Цибалова. — Барча вирусларнинг "табиий захира"си қушлар. Бироқ грипп вирусини қушлардан одамга осонгина ўтмайди. Бунинг учун қушлардаги вирус чўққа юқуши керак. Негаки, чўққа тўқималари таркибига кўра, одам популяциясига яқин туради. Шу боис, қушларнинг бир минтақадан

Соғлиқнинг — боёлагинг

иккинчисига учиб ўтишда жойлашган чўққачилиқ ривожланган ҳудудлар, айниқса, хавфли. Бунинг грипп вируслари Россияга, асосан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари орқали келаётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

— Чўққа гриппини "аср товламачилиги" деб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг фармакология компаниялари билан тил бириктиришда айблашар ҳам бўлди...

— 2009 йилги H1N1 гриппи эпидемиясига бежиз пандемия мақоми берилган эмас. Ўз берган ўлим ҳоллари жиҳатидан эпидемиялардан ўнлаб баробар ошиб тушган ва бутун сайёрага шиддат билан ёйилган бу грипп хуружи ҳақиқий пандемия эди. У Россияга бироз кечикиб қолган эса-да, Узоқ Шарқ, Сибир ва Байкалортида касаллик кенг ёйилди. Грипп пандемияси боис юз берган ўлим ҳоллари ҳақидаги маълумотни яширган табиёт амалдорлари "тил бириктириш"га доир "миш-миш" урчишига сабаб бўлди. Агар маълумотлар эълон қилинганда миш-миш ўша захоти тўхтаган бўларди. Биздаги тўлиқ бўлмаган маълумотга кўра, Россиядаги қирқта шаҳарда фақат лаборатория синовлари орқали тасдиқланган чўққа гриппидан ўлиш ҳоллари 654 кишини ташкил этган. Ҳолбуки, мазкур янги грипп вирусига қарши вакцина тезда яратилгани тўғрисида Россияда қисқа муддатда ўтиб кетди ва ўзининг ўта салбий таъсирини кўрсата олмади. Мактабларда, грипп хуружи кенг ёйилган округлардаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида эълон қилинган карантинлар ҳам нисбатан касаллик хавфини ўтказди.

— Умумий эмлаш одамларни грипп эпидемияси хуружидан халос этадими?

— Аҳолининг етмиш фоизи эмланганда ҳам грипп вирусини ёйиши анча қамаяди. Ҳозир эса, аҳолининг атиги 25 фоизи эмланганда, холос. Бу жараёнда эмлаш соғлиқига ёмон таъсир кўрсатадиган айрим кишилар ҳам, албатта, назарда тутилиши зарур. Эмланган кишилар қонда грипп вирусига қарши антитела 10-12 ой сақланади. Шунинг учун ҳар йили эмлатиш керак. Борди янги мавсумдаги грипп вирусини аввалги йилгисига билан бир хил бўлса, у ҳолда эмланмас ҳам бўлади. Эмлаш ихтиёрий чора, уни ҳар ким ўз ихтиёрича ҳал қилади. Шамоллашга мойил кишилар, иш шароитига кўра, хасталик юқуши мумкин бўлганлар ўзларини эмлатганлари тузуқ. Бироқ оғир сурункали хасталар, биринчи навбатда, ўпка-бронх ва юрак-қон томир етишмовчилиги борлар, албатта, эмланиши зарур. Улар учун гриппга чалиниш ўта хавфли.

— Қайси турдаги вируслар юққанда касаллик оғир кечади?

— А тилдаги грипп вирусига касаллик хуружи оғир кечиши кўп бор қузатишган. В тип ҳам оғирроқ кечса-да пандемия юз бермайди. С тилдаги грипп вирусини билан хасталанганда у нисбатан енгилроқ ўтиб кетиши мумкин.

— Гриппдан химояланиш учун пиёз, саримсоқ, лимон ва вирусга қарши препаратларни тавсия этишарди...

— Уларнинг таркибидида С дармондориси фойдалани, бироқ улар гриппга қарши жиддий тўсиқ бўлолмайди. Вирусга қарши препаратларни эса, гриппдан химояланиш учун қабул қилиш мумкин эмас. Негаки, антибиотикларда бўлгани каби, организм уларга ҳам мослашиб қўлиши мумкин. Вирусга қарши препаратлардан айрим ҳолларда, масалан, оила аъзоларидан бири хасталанганда бошқаларига касаллик юқмаслиги учун эҳтиёт чораси сифатида фойдаланса бўлади.

Ўзингизга эътиборли бўлинг, бу профилактиканинг энг яхши воситаси. Касаллик хуруж қилаётганда, тўғри овқатланиш, тўйиб ушлаш, ўзини зўриқтирмасликнинг аҳамияти катта. Чиниққанда ҳам ҳикмат кўп. Одам совуқ қотганда касаллик тез юқади. Айримлар гриппга нописанд қараб, уни "ёқда юриб" ўтказишади. Бу нотўғри. Грипп энг жиддий касаллик бўлиб, кўпинча ўзидан оғир асорат қолдиради. Шу боис, касаллик бошланганда, албатта, яхши даволаниш керак. Дастлабки икки-уч кунда вирусга қарши препарат таркибидида парацетамол, супрастин, аскорбин кислотаси ёки аскорутин бўлган симптоматик воситалар, аллергияга қарши дорилардан фойдаланиш зарур. Эсда тутинг: грипп вирусини организмда 7-10 кун яшайди. Шу кунлар ичидида ўринда ётишининг иложи бўлмасам ҳам, албатта, уй шароитида даволанинг. Хасталиқдан тузалгандан сўнг ҳам ўзингизни асранг: гриппдан кейинги асорат — қамқуватлик, тер қуйилиши, иммунитетнинг пасайиши бир ярим ойгача сақланиб туради. Грипп вирусини юққанда эътиборсизликнинг жиддий даволаниш керак, "ўтиб кетди-ку", деб хотиржам юрган беморларнинг хасталик қолдирган оғир асоратлар боис ўлим топган ҳоллари бошқаларга сабоқ бўлиши керак.

"АиФ"нинг 42-сонидан.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН